



ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ИТАЛИЯГА КЕЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Италия Республикаси Президенти Сержо Маттарелланинг таклифига биноан 7 июнь куни расмий ташриф билан Рим шаҳрига келди.

Италия пойтахтининг “Фьюмичино” аэропортида Ўзбекистон етакчисининг ташрифи муносабати билан икки мамлакат давлат байроқлари кўтарилди, фахрий қоровул саф тортиди.

Олий мартабали меҳмонни Италия мудофаа вазири Гвидо Крозетто ва бошқа расмий шахслар қутиб олди.

Ташриф дастурига мувофиқ, олий даражадаги учрашувлар Рим шаҳрида бўлиб ўтади. Давлатимиз раҳбари Италия Президенти Сержо Маттарелла ва Бош

вазири Жоржа Мелони билан музокара-лар ўтказди.

Ўзбекистон билан Италия ўртасидаги кўп қиррали муносабатларни ва устувор йўналишлардаги амалий ҳамкорликни янада ривожлантиришнинг долзарб масалалари кўриб чиқилади. Халқаро кун тартиби юзасидан фикр алмашилади.

Бундан ташқари, Ўзбекистон етакчиси бош қароргоҳи Италия пойтахтида жойлашган Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти

бош директори Цюй Дунъюй билан учрашув ўтказди. Озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги ҳамкорлиқнинг муҳим жиҳатлари муҳокама қилиниши режалаштирилган.

Ташрифнинг ишбилармонлик дастури Милан шаҳрида бўлиб ўтади — Ўзбекистон Президенти Ломбардия вилояти губернаторини қабул қилади ҳамда Италиянинг етакчи компания ва ташкилотлари раҳбарлари билан учрашув ўтказди.

ЎЗА

Ўзбекистон — Италия:

КўП ҚИРРАЛИ ИШОНЧЛИ ШЕРИКЛИК
ЯНАДА ЮҚОРИ БОСҚИЧГА КўТАРИЛМОҚДА

7 июнь куни Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Италияга уч кунлик расмий ташрифи бошланди.

Ушбу ташриф 1992 йил 24 мартда ўрнатилган Ўзбекистон — Италия муносабатлари тарихидаги муҳим воқеалардан бири бўлиши кутилмоқда. Ўтган 31 йил давомида ўзаро манфаатли ва истиқболли ҳамкорлик учун мустақкам

пойдевор яратилди, ишончли сиёсий мулоқот ўрнатилди. Тўртта олий даражадаги ташриф — икки марта Италияга ва икки бора Ўзбекистонга амалга оширилди.

▶ Давоми 2-бетда

ИТАЛИЯДА “БОБУРНОМА”
АСАРИ ЧОП ЭТИЛДИ


Италиянинг тарихий илмий-оммабоп адабиётларга ихтисослашган етакчи нашриётларидан бири “Sandro Teti Editore” нашриёт уйи Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг машҳур “Бобурнома” асарини итальян тилида юқори полиграфик сифатда чоп этди.



▶ Давоми 6-бетда

“Қўшиқлар
китоби”

Мамлакатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг Италия давлатига расмий ташрифи арафасида буюк итальян шоири, итальян адабий тилининг асосчиларидан бири, файласуф Франческо Петрарканинг “Қўшиқлар китоби” деб номланган тўплами нашр этилди.



▶ Давоми 6-бетда

КУН МАВЗУСИ

МАГНИТ БўРОНЛАРИ
ВА УЛЬТРАБИНАФША НУРЛАР

Уларнинг таъсири нима сабабдан кучайиб бормоқда?

Охириги вақтларда магнит бўронларининг кучайиши, кўёшнинг ультрабинафша нурланиш индекси метёридан ортиши, иссиқлик кучайиб, бу йил ёз мавсумида, ҳатто, аномал даражага етиши ҳақидаги хабарлар интернет тармоғида тез-тез эълон қилинмоқда. Бу ҳодисалар айрим инсонлар саломатлигига жиддий таъсир кўрсатиши боис, мутахассислар томонидан эҳтиёт чоралари борасида тавсиялар ҳам бериляпти. Яъни олимлар ушбу табиат “инжиқликлари”ни қайтариш ҳозирча имконсизлигини таъкидлагани ҳолда, уларнинг олдини олишга интилиш тўғрисида ечим эканини айтмоқда.



Инсоният кўп асрлик эволюцияси давомида осмон жисмларини ўрганиш, уларни кашф этиш, қонингта чиқиш, ҳатто, бошқа сайёраларда яшаш имкониятини ўрганмоқда. Табиийки, сайёрамиз ҳароратининг кўта-

рилиб бориши, унинг сабаб ва оқибатлари борасида ҳам илмий асослар, ишончли таҳлил ва далиллар борлигига ишонамиз.

▶ Давоми 4-бетда



ИСЛОҲОТ ОДИМЛАРИ

РАҚАМЛАШТИРИЛАЁТГАН
КАДАСТРҳар бир қарич ерни ҳисобга олишда
муҳим аҳамиятга эга

Мамлакатимиздаги изчил ислохотларда инсонга бўлган эътибор ва халқ фаровонлигини таъминлаш устувор вазифа этиб белгиланган. Ер майдонларини асраб-авайлаш борасида ҳамда фуқароларнинг мулк ҳукуки ва дахлсизлиги, уни ишончли ҳимоялашга қаратилган қатор ҳужжатлар қабул қилинган.

▶ Давоми 2-бетда



ЁШЛАР ОЙЛИГИ

БУГУННИ ЭРТАГА
ТОПИБ БўЛМАЙДИ

Шу кунларда мамлакатимизда “Янги Ўзбекистон ёшлари, бирлашайлик!” шиори остида “Ёшлар ойлиги” бўлиб ўтмоқда. Ушбу тадбир давомида турли соҳаларда танловлар, фестиваллар, интеллектуал ўйинлар, спорт мусобақалари ташкил этилади. Қуйидаги мақолада мактабни битираётган ёшлар, уларнинг бугунги ҳаёти, ўй ва ташвишлари ҳақида мулоҳаза юритилган.



Менинг ёш замондошим!

Бахтингиз шундаки, орзу-умидлар рўёбига элтувчи барча имкон қўлингизда, чунки эндигина балоғат остонасидан ҳатладингиз. Бир файласуф айтганидек, кечагина халқ учун нондан сўнг энг муҳими бўлган мактаб остонасига кириб келган эдингиз. Қаранг, умрингизнинг энг ҳароратли ўн бир йилининг жўшқин дамлари кечган қутлуғ остона ҳам бугун тарихга айланди. Энди истасангиз ҳам бу масканда бирор лаҳза бўлса-да, ўқувчи сифатида сабоқ ололмайсиз. Ҳа, шунинг учун ҳам умрнинг ҳар лаҳзаси азиз, ундан ҳақингни олиб қололмасанг, пушаймон бўласан, деган улуғлар.

Бугун шу қутлуғ масканни битириб, катта ҳаёт қорраҳасида турибсиз. Аввал бошда оила, кейин қисман боғча, мактабдаги тарбия ва билимни ўзингизники қилиб олган бўлсангиз, шунча йиллик умрингизни беҳуда ўтказмаганингиз учун ота-онангиздан ҳам, устозларингиздан ҳам, ҳатто ўзингиздан ҳам бутун умр миннатдор бўласиз ҳали. Ўқувчилик даврингиздан ўз ҳақингизни олганингиз учун ташаккур, баракалла! Ишонамизки, интилишингиз ортдан мустақил ҳаётга мардона кириб борасиз ва унда ҳам барчанинг ишончини оқлашингизга умид-вормиз.

▶ Давоми 5-бетда



Ўзбекистон — Италия:

КЎП ҚИРРАЛИ ИШОНЧЛИ ШЕРИКЛИК
ЯНАДА ЮҚОРИ БОСҚИЧГА КЎТАРИЛМОҚДА

Бошланиши 1-бетда

Ўзбекистон ва Италия БМТ, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти ва бошқа халқаро ташкилотлар доирасида, шунингдек, минтақаларо даражада Марказий Осиё — Италия форматларида муваффақиятли ҳамкорлиқни йўлга қўйган.

Икки мамлакат ўртасида парламентларо алоқалар изчил ривож топыпти. 2011 йилдан буён Италия парламенти Депутатлар палатаси ва Сенати билан ҳамкорлик қилиш мақсадида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатида парламентларо гуруҳлар фаолият юритмоқда. Шунингдек, Италия парламентида Италия — Марказий Осиё дўстлик гуруҳи тузилган.

Вазирлик ва идоралар даражасидаги алмашувлар ҳам янги суръат касб этапти. Ҳамкорлиқнинг режалари ва йўл хариталари асосида идораларо ўзаро муносабатлар фаол амалга оширилмоқда.

Икки давлат Ташқи ишлар вазирликлари ўртасида мунтазам сиёсий маслаҳатлашувлар ўтказишнинг самарали механизми яратилган.

Кейинги йилларда икки томонлама савдо-иқтисодий алоқалар сезиларли даражада фаоллашди. Италия технология, муҳандислик ва саноат ҳамда бошқа соҳаларда жаҳонда етакчи ўринни эгаллайди ва шу боис, Ўзбекистон ушбу давлатга катта қизиқиш билан қарайди. Ўз навбатида, мамлакатимиз иқтисодиётини либераллаштириш, бизнес юритиш ва сармоявий ҳамкорлик учун қўлай шарт-шароит яратиш борасида амалга оширилаётган ислохотлар туфайли Италия учун тобора истиқболли иқтисодий ҳамкорга айланиб бормоқда. Кўп маротаба

ўтказилган Ўзбекистон — Италия бизнес форумлари саноат кооперацияси ва савдо алоқаларини кенгайтиришдан томонларнинг манфаатдорлигини намоён этди. Бугунги кунда бунинг учун барча зарур ҳуқуқий ва институционал асослар мавжуд. Икки томонлама шартномавий-ҳуқуқий база иқтисодий соҳадаги бир қанча муҳим келишувларни ўз ичига олади. Бундан ташқари, янги ҳужжатлар ишлаб чиқилляпти.

Савдо-иқтисодий ва саноат ҳамкорлик ва экспорт кредитлари бўйича Ўзбекистон — Италия ҳукуматлараро ишчи гуруҳи ҳамда Италия — Ўзбекистон савдо палатаси муваффақиятли иш юритмоқда. 2020 йил октябрь ойида мамлакатимизда Италия саноат уюшмасининг “Confindustria” филиали очилди, шунингдек, SACE, SIMEST, “Cassa Depositi e Prestiti”, ICE, AICE, “Unionscamere” ва бошқа минтақавий уюшмалар билан самарали алоқалар йўлга қўйилган.

2022 йилда Италия билан ўзаро савдо ҳажми 381 миллион долларни ташкил этди. Жорий йилнинг январь-апрель ойларида бу кўрсаткич 155 миллион доллардан ошди.

Италиянинг 54 та йирик компанияси мамлакатимизда ўз лойиҳаларини муваффақиятли амалга оширяпти. Ўлар орасида Тошкент металлургия заводи ишлаб чиқариш қувватларини модернизация қилган “Danieli”, “акпли” газ ҳосиллаштирилари ишлаб чиқариш лойиҳасини амалга ошираётган “Pietro Fiorentini” ва “Ternova”, заъфарон ишлаб чиқариш бўйича ҳамкор “Orega Srl” сингари етакчи компаниялар бор.

Айни пайтда Италия билан энергетика, металлургия, қурилиш материаллари, боғдорчилик, соғлиқни сақлаш, гигиена ва бошқа соҳаларда янги лойиҳалар пакетини ишлаб чиқиш бўйича музокаралар давом этапти.



“Ўзбекистон Марказий Осиёдаги геосиёсий мавқеининг ўсиши туфайли Европа учун тобора муҳим йўналишга айланаётди. Ўзбекистон билан алоқаларни ўрнатган давлатлардан бири сифатида Италия минтақада эришилган муҳим ютуқлардан фойдаланиши керак. Бу эса стратегик корхоналарнинг эълон қилинган хусусийлаштирилиши ва Ўзбекистоннинг бой минерал-хомашё базасини ривожлантириш туфайли тез орада янги имкониятлар очади. Италия Ўзбекистоннинг дунёга очкилигидан унумли фойдаланиб, мамлакатнинг хорижий инвесторлар учун пайдо бўлаётган тижорат имкониятларига жиддий эътибор қаратиши зарур. Уларни амалга ошириш ҳукумат ва маҳаллий инвесторларнинг ёрдами билан талаб қилади. Чунки

хусусий шериклик ҳам трансмиллий инвестицияларни жалб қилишнинг устувор шакли ҳисобланади. Бу жараён, ўз навбатида, тарихий Илак йўли меросининг гўзаллигини сақлаб қолган ҳолда, шиддат билан янгиланиб бораётган ушбу стратегик муҳим минтақада Италия ўрнини сақлаб қолиш ва мавқеини оширишга ёрдам беради”, деди италиялик таниқли эксперт Федерико Грандессо.

Ўзбекистон — Италия муносабатларида чуқур тарихий илдизларга бориб тақаладиган маданий-гуманитар ҳамкорлик алоҳида ўрин тутди. Бизнинг интилишларимиз узоқ ва яқин тарихий ўзаро боғлиқликка асосланади. Масалан, қадимий Буюк ипак йўли марказида жойлашган, “Шарқ Рими” деб тараннум этиладиган гўзал Самарқанд

шаҳри орқали асрлар давомида Римга олиб борувчи йўллар ўтган.

Венециялик афсонавий тарихчи, ёзувчи ва сайёҳ Марко Поло “Дунё хилма-хиллиги ҳақида китоб” асарида (XIII аср) Бухорони минтақанинг “улугвор ва энг яхши шаҳри”, дея эътироф этади.

Бугунги кунда Ўзбекистон ва Италия ўртасидаги маданиятлараро мулоқот анча жадал ривожланмоқда. Фан ва таълим, спорт, санъат соҳаларида ҳамкорлик йўлга қўйилган.

Тошкентда Турин политехника университети ва Пиза университетининг филиаллари фаолият юритмоқда. Ўзбекистон ва Италия инновациялар ва ёшлар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш бўйича биргаликда сазий-ҳаракатларни амалга оширяпти ҳамда Ўзбекистонда ёшлар стартапларини

қўллаб-қувватлаш бўйича қўшма дастурни ишга тушириш масаласини муҳокама қилляпти.

Соғлиқни сақлаш соҳасидаги ҳамкорлиқни алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиз. Мутахассислар фикрича, Италия тиббий туризм соҳасида бой тажрибага эга, Ўзбекистонда эса Марказий Осиёда тиббиёт соҳасида етакчилиқни қўлга олиш учун катта салоҳият мавжуд.

Италияда ўзбек маданияти ва санъати жуда машҳур. 2018 йилда Римда бўлиб ўтган “Asiatica” XIX халқаро Осиё фильмлари кинофестивалида “Тоҳир ва Зухра” фильми жаҳон киноси ривожига, умуминсоний қадриятларни тарғиб этишга қўшган ҳиссаси учун махсус диплом билан тақдирланди. 2014 йилда Италияда ўзбек миллий кураши уюшмаси ташкил этилди.

Ўзбекистон Миллий павильони, учинчи йилдирки, Венеция халқаро архитектура биенналесининг италиялик ва хорижий меҳмонлари орасида катта муваффақиятга эришмоқда.

Ўз навбатида, Италия вакиллари Самарқанд шаҳрида ўтказиладиган “Шарқ тароналари” халқаро мусика фестивалининг мунтазам иштирокчилари ҳисобланади. Италиялик миллий мусика санъати усталари ушбу фестивалда Гран-при (2007), 2- ва 3-ўринларни (2005 ва 2009), шунингдек, махсус совринни (2019) қўлга киритган.

Ўзбекистон ва Италия ўзаро манфаатли ҳамкорлик ҳамда самарали мулоқотни янада ривожлантириш учун бой тажриба ва мустаҳкам пойдеворга эга. Шу нуқтаи назардан, давлатимиз раҳбарининг Италияга 7 июнь кунини бошланган таширифи ишончли кўп қиррали шериклиқни янги, янада юқори босқичга олиб чиқишда муҳим қадам бўлиши шубҳасиз.

“Дунё” АА



ИСЛОҲОТ ОДИМЛАРИ

РАҚАМЛАШТИРИЛАЁТГАН КАДАСТР

ҳар бир қарич ерни ҳисобга олишда
муҳим аҳамиятга эга

Бошланиши 1-бетда

Хусусан, тадбиркорлик ва шаҳарсозлик учун ер участкаларини мулк ҳамда ижара ҳуқуқи асосида очик аукцион орқали сотиш, қишлоқ ҳўжалигига мўлжалланган ерларни эса деҳқон ҳўжалигини юритиш учун ижара ҳуқуқи асосида очик электрон танлов орқали бериш, жисмоний ва юридик шахсларга тегишли ер участкаларини хусусийлаштириш орқали ерни бозор активига айлантириш каби сазий-ҳаракатлар жадал кечмоқда. Шу ўринда ер участкаларидан оқилона фойдаланиш тизимини йўлга қўйиш, ер, айниқса, қишлоқ ҳўжалигига мўлжалланган ер талон-тарож қилинишининг олдини олиш, жараёнга ахборот технологияларини кенг қўллаган ҳолда давлат назорати самарадорлигини ошириш чора-тадбирларига алоҳида аҳамият берилляпти.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти 2021 йил 8 июндаги “Ер муносабатларида тенглик ва шаффофликни таъминлаш, ерга бўлган ҳуқуқларни ишончли ҳимоя қилиш ва уларни бозор активига айлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони бу борадаги ишларни янада ривожлантиришга туртки бўлди. Хўш, ушбу фармон ижросини ўз вақтида ва сифатли таъминлаш масаласи Наманган вилоятида қай даражада амалга оширилмоқда?

— Ушбу вазифалар ижроси доирасида бошқарманиш ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, ҳамкор ташкилотлар, ҳоким ёрдамчилари билан биргаликда ташкил этилиб, ерга оид ҳуқуқбузарликлар мониторингини юритилмоқда, — дейди Кадастр агентлигининг Наманган вилояти

бошқармаси бошлиғи Баҳромжон Фозилов. — Хусусан, бошқарма ва унинг туман, шаҳар бўлимлари 2022 йилда ер ва кадастр назорати тадбирлари чоғида 1162 ҳолатда 530 гектар ерни ҳўжасизларча эгаллаб олиш ҳолатларини аниқлади. Профилактик тушунтириш ҳамда кўрсатмалар туфайли 976 ҳолатда 490 гектар ер қонунбузилишини фуқаролар ихтиёрий равишда бартараф этди. 40,7 гектар ер билан содир этилган ҳуқуқбузарлиқни ўз хоҳиши билан бартараф қилмаган 186 шахсга нисбатан ноқонуний қурилишларини мажбурий буздириш юзасидан судларга даъво аризалари киритилди. 70 та даъво ариза эса судларда қаноатлантирилиб, мажбурий ижрога йўналтирилди.

Сен менга тегма, мен сенга тегмайман, дейдиган вақтлар ўтди. Қўшма назорат тадбирларига мувофиқ, Бош прокуратура ва Кадастр агентлиги ўртасида тасдиқланган “Ерлардан мақсадли фойдаланиш ҳамда давлат кадастрларини юритиш соҳасида қонунийликни таъминлаш бўйича ҳамкорлик тўғрисида”ги шартномага биноан, 27 ҳолатда жаноат аломатлари бўлган иш ҳўжатлари ЖПКнинг 329-330-моддалари талаблари асосида ҳуқуқий баҳо бериш учун прокуратура органларига юборилди.

Кадастр агентлиги Наманган вилояти бошқармаси ер ва кадастр назорати бўлими бошлиғи Дилшод Сотиболдиевнинг айтишича, Чортоқ туманида ўтказилган назорат тадбирида фуқаро Орифжон Султонов “Ойқирон миришкорлари” фермер ҳўжалиги ҳудудида тупроқ унумдорлиги 45 балл бонитетига тенг бўлган боғнинг 2,4 сотих ер майдонида молхона, фуқаро Ҳасанбой Султонов эса “Ҳазратишох миришкорлари” агрофирмаси ҳудудида тупроқ унумдорлиги 81 балл бонитетига тенг боғнинг 2 сотих ер майдонида ўзбошимчилик билан уй-жой қуриб олгани аниқланди.

Улар бу билан МЖТКнинг 60-моддаси 3-қисмида кўрсатилган ҳуқуқбузарлиқни содир этган. Шунинг учун маъмурий баённома расмийлаштирилиб, уларнинг ҳар бири 40,5 миллион сўм микдорида маъмурий жавобгарликка тортилди.

Уйчи туманида яшовчи Зокиржон Жўраев “Туман агропилла” МЧЖ тасарруфидати тупроқ унумдорлиги 64 балл бонитетига тенг тўтзорнинг 7 сотихида ҳеч қандай ҳўжатсиз қуртхона ва уй-жой қуриб олган. Бу факт аниқланганча, ноқонуний

қурилмани ихтиёрий бузишга доир маъмурий баённома тузилди. З.Жўраев қонунга бўйсунмаганидан кейин унинг қилмишига ЖПКнинг 329-330-моддалари талаблари асосида ҳуқуқий баҳо бериш учун иш прокуратурага жўнатилди.

2022 йилда 131 ҳолатда ердан мақсадсиз фойдаланиш ҳолатлари аниқланиб, 119 ҳолатда туман ҳокимлиқларига тақдимномалар киритилди. Натижада 818 гектар ер туман ҳокимликлари захирасига қайтарилиши таъминланди. Кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш учун ўз вақтида ваколатли органларга мурожаат этмасликка оид жами 2335 ҳолат бўйича ҳам чоралар қўрилди.

Кадастр соҳасидаги мурожаатларни ҳам дарҳол қўриб чиқиш, тақририй мурожаатларга йўл қўймаслик учун мутаасдилар туманларнинг олис ва чегара манзилларида мунтазам сайёб қабуллар уюштирмоқда. Муаммоли масалалар ҳудудларга чиқиб, жойида ўрганилмоқда.

Кадастр агентлиги Наманган вилояти бошқармасига 2022 йилда юридик ва жисмоний шахслардан 1079 мурожаат тушган бўлиб, улар сони 2021 йилдагига нисбатан 204 тага кўнайган. Бу аҳоли ва тадбиркорларнинг ерга бўлган талаби ортганини кўрсатмоқда. Ўларнинг 842 таси ижобий ҳал қилинди ва 237 мурожаат эгасига ҳуқуқий тушунча берилди.

Кадастр соҳасидаги янгиликлардан аҳоли ва тадбиркорларни хабардор этиш учун ер майдонлари турлари, тоифалари, аукцион ва электрон танлов асосида ер майдонлари ажратиш тартиблари, кадастр ҳўжжати тайёрлаш ва давлат рўйхатидан ўтказиш учун зарур ҳуқуқий ҳўжатлар, уй-жой мероси ва бошқа қўпчилиқни қизиқтирган масалалар бўйича оммавий ахборот воситалари орқали тарғибот ишлари қўйилтирилди.

Рақамлаштириш, ахборот-коммуникация технологияларини жорий қилиш — замон талаби. Кадастр маълумотлар базасини юритиш ҳамда вилоятда ер ва мол-мулк солиғини ҳисоблаш сисъатини тизимлаштириш ҳамда маҳаллий бюджетни барқарорлаштириш мақсадида Давлат кадастрлари палатаси Наманган вилояти бошқармасининг туман, шаҳар филиаллари жисмоний ва юридик шахсларга тегишли турар ҳамда нотурар жойларнинг атрибутив маълумотлари базасини Кадастр агентлигининг “Кўчмас мулк-3” интeрaциялашган ахборот тизими кўмагида юритмоқда. Ҳозир кадастр маълумотлари базасида вилоят бўйича қарийб 600 мингта кўчмас мулкнинг атрибутив маълумотлари ҳамда 611 мингдан ортқ мулкдор ҳақидаги маълумотлар шакллантирилди. Натижада юридик ва жисмоний шахсларга тез ва сифатли кадастр хизмати кўрсатиш имконияти яратилди.



УШБУ МАТЕРИАЛНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБАСИДА ЎҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.

ва томорқа участкаларидан самарали фойдаланиш бўйича устувор вазифалар тўғрисида ўтказилган видеоселектор йиғилишида кадастр тизимига аҳоли хонадонларини “маҳаллабай” тахлил қилиб, уй-жойга эгалик ҳуқуқини тасдиқловчи кадастр ҳўжжатига эга бўлмаган хонадонларнинг электрон рўйхатини шакллантириш ва уй-жойга эгалик ҳуқуқини эътироф этишга асос бўлувчи ҳўжатларни тўплаб, электрон базага киритиш вазифаси юклатилган эди.

Давлат кадастрлари палатаси Наманган вилояти бошқармаси бошлиғи ўринбосари Аҳаджон Насриддиновнинг билдиришича, ўша топшириқ ижроси учун палата тасдиқлаган режа-жадвал асосида вилоятдаги давлат рўйхатидан ўтмаган 30 877 та якка тартибдаги уй-жой рўйхати тасдиқланди. Ишни жадаллаштириш ва сифатли бажариш учун туман ва шаҳар филиалларига вакиллар бириктирилди. Хатловга жалб этилган мутахассислар иштирокда ўқув семинари ташкил этилиб, “UzKad” дастурида ишлаш ўргатилди. Жорий йилда 30 877 та кўчмас мулк объекти, уй-жой юз фоииз хатловдан ўтказилди.

Вилоят кадастр тизимида ҳозир 520 нафардан зиёд ходим меҳнат қилмоқда. Жамоанинг асосий қисми ёш мутахассислар. 2022 йилда вилоят бошқармаси туман ва шаҳар филиалларига мутахассислиги бўйича 43 ходим ишга қабул қилинди, 54 раҳбар ва мутахассис ходим ўз йўналишлари бўйича малакасини оширди.

Юртимиздаги иқтисодий ислохотлар, ўзгаришлар ер ва унга боғлиқ ресурсларнинг аниқ ҳисобини юритишни, улардан оқилона фойдаланишни талаб этмоқда. Ўтган йиллар давомида вилоят кадастр тизимидаги шаҳар ва 11 та туман филиали ўз биноларига эга бўлди. Улар мебель, компьютер, ортегхника воситалари ва бошқа жиҳозлар ҳамда автомашиналар билан таъминланди. Тажриба-лари, фидойи мутахассислардан иборат жамоа соҳа истиқболи, қолаверса, ёш ва малакали мутахассислар тайёрлаш, уларнинг соҳа билимдони бўлиб етишишида устоз-шогирд аъёнасига содиқ ҳолда ўз куч ва билимини аямаяпти. Энг муҳими, соҳада олиб борилаётган ишлардан одамлар рози.

Орифжон ЖўРАЕВ,
“Янги Ўзбекистон” муҳбири

УСТУВОР МАҚСАДИМИЗ — ИНСОНГА ЎЗ САЛОҲИАТИНИ РЎЁБГА ЧИҚАРИШ УЧУН МУНОСИБ ШАРОИТ ЯРАТИШ!

Мамлакатимиз ҳаётидаги ўта муҳим ва тарихий аҳамиятга эга сиёсий воқеа — муддатида илгари Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови сўнгги йилларда олиб борилаётган кенг қўламли демократик ўзгаришлар ва туб ислохотлар натижасида юртимизда юзага келган мутлақо янги ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий ва маънавий-маърифий муҳитда бўлиб ўтмоқда.

Ушбу ислохотлар партиямиздан номзод Шавкат Мирзиёевнинг инсон қадрини улуғлаш, одамларни ҳаётдан рози қилиш, уларнинг узоқ келажақда ёки эртага эмас, балки айнан бугун яхши яшашини таъминлаш, “Давлат — инсон учун”, “Жамият — ислохотлар ташаббускори”, “Аввал инсон, кейин жамият ва давлат” деган мутлақо янги тизимни ҳаётга татиқ этиш каби ислохотлар мақсадига айлантирилган улугвор эзгу ғояларига асосланган.

Бугунги кунда Янги Ўзбекистон орзуси — халқни, миллатни, фуқаролик жамиятини институтлари ва бизнес ҳамжамиятини бирлаштирувчи, йўлга бошловчи олий мақсадга айланди.

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг XI съездида номзодимиз Шавкат Мирмонович Мирзиёев узоқ йиллар давомида йиғилиб қолган, жамиятда ўз ечимини қутаётган тизимли муаммолар ва воқеликни чуқур таҳлил қилиб, тарихан қисқа вақтда Ўзбекистон давлатчилигидаги мавжуд муаммоларни ҳал этиш борасида амалга оширилган кенг қўламли ислохотлар билан бир қаторда, келгуси етти йил ичида амалга оширилиши лозим бўлган устувор мақсад ва йўналишлар, стратегик вазифаларни баён этди. Улар, шубҳасиз, бугундан қўрилаётган келажагимиз, барпо этиладиган эртанги кунимиз қиёфасини аниқлаб беради.

Ушбу стратегиянинг энг устувор йўналиши — ҳар бир инсонга ўз салоҳиятини рўёбга чиқариш учун муносиб шароит яратишдан иборат.

Сифатли билим, таълим ва тарбия — Янги Ўзбекистоннинг мустақкам пойдевори

Янги Ўзбекистон айнан мактаб остонасидан, таълим-тарбия тизимидан бошланади, мамлакат тараққиёти илм-фан ва инновацияга таянади. Зеро, мактабгача таълим ва мактаб таълими, олий ва ўрта махсус таълим тизими ҳамда илмий-маданий муассасаларни **Учинчи Ренессансининг тўрт узвий ҳалқаси**, боғча тарбиячиси, мактаб муаллими, профессор-ўқитувчилар ва илмий-иқодий зиёлиларимиз эса **янги Уйғониш даври**, **глобаллашув даврида мамлакатимиз рақобатбардошлигининг тўрт таянч устундир**.

Мамлакатимизда бир-бири билан ҳамбарчас боғланган таълим-тарбия соҳаси — мактабгача таълим, мактаб таълими, ўрта махсус ва олий таълим тизимлари, илмий-тадиқот муассасаларини ривожлантириш бўйича беқиёс ўзгаришлар амалга оширилмоқда. Хусусан, қисқа мuddатда таълим-тарбия соҳаси тубдан ўзгаририлган:

- болаларни мактабгача таълим билан қамраб олиш даражаси 27 фоиздан 72 фоизга олиб чиқилиши;
- мактаб таълимида қўшимча 700 минг ўқувчи ўрни яратилиши, 200 га яқин мутлақо янгица мазмун ва шаклга эга бўлган Президент, иқод ва ихтисослашган мактаблар ҳамда 400 та хусусий мактаб ташкил қилиниши;
- математика-физика ва кимё-биология фанларини ривожлантириш бўйича қарорлар қабул қилиниши ва амалга оширилиши;
- таълимга замонавий методика, сифат ва рақобат кириб келиши, дарсликларнинг энг илгор хорижий тажрибалар асосида тўлиқ янгиланиши, мактабларга минглаб хорижий муаллимлар олиб келиниши, мураббийлар меҳнатига муносиб ҳақ тўлаш бўйича аниқ чора-тадбирлар амалга оширилиши;
- ёшларнинг олий таълим билан қамров даражаси 2016 йилдаги 9 фоиздан 2022 йилда 38 фоизгача — 4,2 баробар, олий таълим муассасалари сони эса 3 баробар (77 тадан 210 тага) ошгани, 65 нодавлат OTM ташкил қилиниши (2016 йилда умуман бўлмаган), хорижий OTM филиаллари сони 4,2 баробар кўпайиши кабилар бу борада амалга оширилган ишлар қўламинида дарақ беради.
- Натижада бугун қанча-қанча оддий оилалар фарзандлари халқро фан олимпиадаларида ғолиб бўлмоқда, 1 миллиондан ортиқ йигит-қизимиз олий таълимда таҳсил олмақда (2016 йилда 270 минг нафар), нуфузли хорижий олийгоҳларга кирмоқда. Уларнинг ота-оналари қувончи чексиз.
- Шу билан бирга, бу соҳадаги ўзгаришлар амалга оширилаётган ишлар



дебочасидир. Бугун таълим сифатини таъминлаш масаласи долзарб аҳамиятга эга бўлмоқда. Халқро экспертлар билан ўтказилган таҳлиллар натижасига кўра, бугун ҳаётимиздаги мавжуд шароитлар болалар фақат 60 фоиз салохиятини рўёбга чиқариш учун имкон бермоқда.

Шу муносабат билан, номзодимиз Шавкат Мирзиёев дастурида бу йўналишда қуйидаги вазифалар устувор, деб белгиланди.

Биринчидан, 2030 йилга қадар мактабгача таълимга бўлган эҳтиёжни тўлиқ қоплаб, қамровни 100 фоизга етказиш ва боғчаларнинг моддий-техник базасини ривожлантириш. Ушбу мақсадда:

- 7 фоизлик ставкада 10 йил мuddатга кредит бериш учун имконият яратилиб, ишлаб чиқариш корхоналарининг боғча қуришга сарф этиладиган харажатларини солиқлардан тўла озод қилиш тартиби ишлаб чиқилиди;
- 2030 йилга қадар қўшимча 2 мингта боғча қуриш чоралари қўрилади;
- эҳтиёжманд оилалар фарзандлари учун боғча, жумладан, хусусий боғча харажатлари давлат томонидан қоплаб бериш тартиби жорий этилади;
- ҳар бир боғчани компьютер синфи билан таъминлаш чоралари қўрилади. Бу, ўз навбатида, болаларни эрта ёшдан бошлаб замонавий ахборот технологияларига ўргатишга ва уларнинг келажақда юксак салоҳиятга эга бўлишига хизмат қилади.

Шунингдек, боғча ва мактаблар инфра-тузилмасини ривожлантириш, жумладан, фильтрланган ичимлик сув, санитария-гигиена инфраузилмаси билан тўлиқ таъминлаш ҳамда болаларнинг соғлом овқатланишига қўмаклашиш мақсадида уларга оксил, витамин ва минераллар билан бойитилган сут ва йод билан тўйинтирилган нон маҳсулотлари берилиши йўлга қўйилди.

Иккинчидан, мактабларда қўшимча 2,5 миллион ўқувчи ўрнини яратган ҳолда таълим сифати тубдан яхшиланади. Шу мақсадда:

- “Йилига 500 минг ўқувчи ўрни” дастури ишлаб чиқилиб, амалга оширилади;
- хусусий таълимга қўшимча енгилликлар берилиб, давлат-хусусий шериклик тамойили асосида мактаблар қуриш кенг жорий этилади;
- бошланғич синф ўқувчилари таълим планшетлари билан тўлиқ таъминланади ва бунинг учун зарур молиявий имкониятлар яратилади;
- чекка ҳудудларда “мактаб автобуслари” бепул йўлга қўйилади;
- 2030 йилгача барча туман ва шаҳарларда “Истеъдод — Интилиш — Истиқбол” номли ихтисослаштирилган мактаблар ташкил этилиб, уларда Президент мактабларидан кам бўлмаган шароит яратилади ва эҳтиёжманд оилалар фарзандлари учун 70 фоиз квота ажратилади;
- барча мактабларга “тил эгалари” бўлган ўқитувчилар жалб қилинади, бу мақсадларга ҳар йили 200 миллиард сўм маблағ ажратилиш чоралари қўрилади. Зеро, хорижий тилпарни билиш — ёшларимиз учун дунё эшикларини очадиган калит.

Учинчидан, олий таълим ва илм-фан тизимларини илгор хорижий тажриба асосида ривожлантириш. Шу мақсадда:

- дунёдаги “Топ-500”га кирадиган чет эл олийгоҳлари билан ҳамкорликда камид 50 та қўшма ўқув дастури ва “икки дипломли тизим”ни (“double degree”) жорий этиш асосий вазифа бўлади. Бугунги кунда жаҳоннинг (АҚШ, Германия, Франция, Италия, Финляндия, Нидерландия, Туркия, Россия, Индонезия, Исроил ва бошқа қатор давлатлар) нуфузли олий ўқув юртлиари билан ҳамкорликдаги “double degree” таълим дастурлари асосида ўқитиш қамрови

кенгаймоқда. Бу жамиятимиз ва давлатимиз тараққиётига хизмат қилувчи зарур мутахассисликлар бўйича кадрлар тайёрлашни йўлга қўйиш ва таълим сифатини оширишга хизмат қилмоқда;

● биотехнология, сунъий интеллект ва бошқа юқори технологик йўналишларда истеъдодли ёшларни энг нуфузли хорижий олийгоҳларга давлат ҳисобидан ўқишга юбориш бўйича 200 миллион АҚШ долларилик дастурлар амалга оширилади. Ушбу ташаббуслар дунёнинг ақсарий мамлакатлари “Тўртинчи санаот инқилоби” арасида турган бир пайтда Ўзбекистоннинг рақобатбардошлигини оширишга хизмат қилади;

● илм-фан ва инновацияларни ривожлантиришга 1 миллиард АҚШ доллари ажратилиши учун молиявий имкониятлар янада кенгайтирилади.

Шунингдек, маданият, санъат ва адабиёт вакиллари, маънавият соҳаси ходимлари, барча зиёлиларнинг машаққатли ва шарафли меҳнатини қадрлаш ва рағбатлантириш бўйича қўшимча чоралар қўриб борилади.

Номзодимиз Шавкат Мирзиёев томонидан илгари сурилган ушбу ташаббуслар мамлакатимизнинг инновацион ривожланиш йўлидан жадал ҳаракатланиши, “билимлар иқтисодиёти” ҳамда “рақамли иқтисодиёт”, “ахборот жамияти” шакллантирилишига эришишнинг муҳим ва зарур шартлари сирасига ҳам киради. Зеро, келажакни ўйлаган, жаҳон тараққиётидан ортда қолиши истамаган давлатлардан нафақат ўзгаришлар фалсафасини англаш қобилияти, балки уларнинг ҳаётимизга кириб келиш суръатларини ҳисобга олган ҳолда мобиллик, тезкорлик, кенг қўламли ишларни кечиктирмасдан амалга ошириш талаб қилинади.

Соғлом ва баркамол миллатига буюк ишларга қодирдир

Сўнгги йилларда Янги Ўзбекистонда барча учун малакали тиббиётни яратиш, соғлиқни сақлаш тизимини аҳолига қўлай тарзда янгиллаш, мамлакатимизни аҳолиси ўртача умр қўриш даражаси юқори бўлган илгор давлатлар қаторига кириштиш борасида кенг қўламли ислохотлар амалга оширилди.

Ушбу ислохотлар замирида Шавкат Мирзиёевнинг **“сиҳат-саломатлик ҳар бир инсон, бутун аҳолининг учун ҳеч нарсаси билан ўлчаб, баҳолаб бўлмайдиган буюк неъматдир”** деган эзгу мақсади мужассамдир.

Маълумки, касалликни даволашдан кўра, унинг олдини олиш оила учун ҳам, давлат учун ҳам самарали ва фойдалидир. Шу боис, мамлакатимизда профилактик тиббиёт ривожига устувор аҳамият қаратилади.

Энг аввало, бирламчи тиббиёт бўғинини, тез ва шовишлиқ тиббий ёрдам тизимини янада ислох қилиш, яхшилашга эътибор қаратилиб, ҳар бир маҳаллада “хонадонбай” ишлайдиган патронаж хизматини ташкил этиш орқали соғлиқни сақлаш тизими аҳолига яқинлаштишига эришилди.

Биргина 2022 йили жойларда 136 та оилавий шифокорлик пункти ва оилавий поликлиника ҳамда чекка ҳудудларда 1000 лдан ортиқ маҳалла тиббиёт пункти ташкил этилди. Оилавий шифокорлар томонидан аҳолига бепул тарқатиладиган 70 хилдаги дори-дармон учун маблағлар ҳажми ўтган йилларга нисбатан 3 баробар оширилди. Оилавий поликлиникаларда кундузги даволаш ўринлари ташкил этилиши натижасида 740 минг киши шифохонага бормасдан,

бевосита ўзи истикомат қилётган маҳаллада муолажа олиш имкониятига эга бўлди.

Юқори малака ва технологиялар талаб қиладиган тиббий хизматлар қўлами ҳам кенгаймоқда. Авваламбор, ҳудудларда 23 та ихтисослашган тиббиёт марказининг юздан ортиқ филиали фаолият бошлади. Натижада илгари пойтахтда амалга оширилган 200 турдаги операция ва ташхисларни маҳаллий шифохоналарда ўтказиш имконияти яратилди. 130 дан зиёд турдаги жарроҳлик амалиёти вилоят шифохоналарида, 60 тури эса туманларда биринчи марта йўлга қўйилди.

Тиббиёт ходимларининг ойлик маоши 3,3 баробар оширилиб, уларнинг мажбурий меҳнатга жалб этилишига чек қўйилди. Шунингдек, халқ табobati аҳолига тиббий ёрдам қўрсатишнинг қўшимча усули сифатида эътироф этилди ва уни ривожлантириш бўйича чоралар қўрилмоқда.

2016-2022 йилларда давлат бюджетидан соғлиқни сақлаш тизими учун ажратилётган маблағлар қарийб **4 баробар** ошди. Шифохоналар ва тез тиббий ёрдам пунктларини дори-дармон, тиббиёт буюмлари билан таъминлашга ажратилаётган маблағлар **12 баробар** кўпайтирилди. 2021 йилдан бошлаб, бирламчи бўғинда аҳолини **66 турдаги** дори воситалари билан бепул таъминлаш йўлга қўйилди.

Энг муҳими, қўрилаётган чоралар натижада аҳолининг ўртача умр қўриш давомийлиги **73 ёшдан** ошishiга эришилди. Келгусида ушбу кўрсаткични **78 ёшга** етказиш вазифаси қўйилди.

Бу борадаги изчил ислохотларни сифат жиҳатдан **янги босқичга** чиқариш учун номзодимиз дастурида **қуйидаги устувор вазифалар белгиланган**.

Биринчидан, аҳоли ўртасида ижтимоий аҳамиятга молик касалликларни барвақт аниқлаш ва улар билан касалланиш кўрсаткичларини кескин қамайтириш чораларини қуриш. Шу мақсадда:

- 2030 йилга қадар оналар ва болалар ўлими, болалар ўртасида ирсий касалликларни қамда 2 баробар қисқартириш, онкологик, юрак-қон томир, диабет, нафас йўллари ва юқумли касалликлар бўйича эрта ўлимни эса 2,5 баробар қамайтириш соҳадаги энг асосий вазифалардан бири бўлади;
- сил билан касалланиш даражасини кескин қамайтириш учун зарур имкониятлар ишга солинади;
- жигар циррозига олиб келувчи “Гепатит С” касаллигини 100 фоиз давлат ҳисобидан даволаш йўлга қўйилади;

Иккинчидан, 2030 йилга қадар тиббиёт бюджетдан ажратиладиган йиллик маблағ ҳажмини 2 қарра ошириб, **6 миллиард АҚШ долларига** етказиш ва аҳолини қадоқланган тиббий хизмат билан қамраб олиш даражасини янада кенгайтириш. Бу йўналишда:

- 2024 йилдан бирламчи бўғин орқали энг кўп учрайдиган **10** та касаллиқ даволаш ва **6** та тиббий хизматдан иборат қадоқланган тиббий пакетни аҳолига бепул тақдим этиш бўйича зарур чоралар қўриш;
- туғиш ёшидаги ва ҳомиладор аёллар, болаларга 7 турдаги витаминлар, йод ва фойли кислотасини бепул тарқатиш ишларини давом эттириш;
- **350 минг** диабет, **1,5 миллион** юрак-қон томир касаллиги бор беморларни даволаш билан тўлиқ қамраб олиш;
- ҳар йили юрак нққосини бор **5 минг** болани ва қўриш қобилиятини йўқотиш эҳтимоли юқори бўлган **10 минг** чақалоқни бепул даволаш;
- соғлиқни сақлаш тизимини тўлиқ рақамлаштириш ва тиббий сўғурта тизими жорий этиш назарда тутилган.

Учинчидан, онкологик беморлар даволаниши ва соғайиб кетиши учун зарур шароитлар яратиш, уларнинг одатий ҳаётга қайтишига қўмаклашиш. Жумладан:

- онкологик касаллиги бор 120 минг беморни даволаш билан тўлиқ қамраб олиш;
- онкологик беморлар ҳаётини сақлаб қолтиш мақсадида ўзақ ҳужайраларини трансплантация қилиш амалиётини йўлга қўйиш;

● эҳтиёжманд оилаларнинг онкологик касаллиги бор фарзандларида ўзақ ҳужайраларини трансплантация қилиш харажатларини тўлиқ давлат ҳисобидан қоплаш учун молиявий ресурслар жалб қилиш бўйича зарур чоралар қўрилади.

Ижтимоий хизматлар соҳасини кенгайтириш ва қамбағалликни қисқартириш — барқарор ривожланиш гарови

Янги Ўзбекистон — ижтимоий давлат тамойили конституциявий норма сифатида мустақамланиши, инсон қадрини янада улуғлаш, ҳозирги ва келгуси авлодларнинг фаровон турмушини таъминлашга қаратилганини алоҳида эътироф этиш зарур. Зеро, бу икки тушунча ўзаро ҳамбарчас босқичдир.

Ижтимоий давлат, деганда, энг аввало, жамиятда ижтимоий адолат ва ҳамжиҳатлик тамойиллари ҳўми сурадиган, инсон капитални ривожлантириш ва унинг имкониятларини юзага чиқариш учун зарур шароитлар яратилган, иқтисодиёти ижтимоий йўналтирилган ҳамда фуқаролар учун юқори ҳаёт ва турмуш даражаси, ижтимоий ҳўмояни таъминлайдиган давлатни тушунамиз.

Бундай давлатда барқарор ривожланишнинг муҳим мақсадлари бўлиши — ижтимоий ҳўмояга муҳтож аҳолини қўлаб-қувватлаш, қамбағаллик ва ишсизликни қисқартириш, ёшлар ва аёллар тадбиркорлигига қўмаклашиш, таълим, соғлиқни сақлаш ва маънавий-маданий соҳаларнинг мунтазам тараққий этишини таъминлаш, самарали ижтимоий сўғурта таъминотини йўлга қўйиш, жамиятда кескин ижтимоий фарқланиш ва ижтимоий тенгсизликка йўл қўймаслик, аҳолига муносиб турмуш шароитларини яратиш каби вазифаларга устувор аҳамият берилади.

Бугунги кунда мамлакатимизда аҳолининг кўпчилик қисми ёшлардан иборатлигини ҳисобга олсак, ушбу тамойилнинг Конституциямизда мустақамланиши ҳамда номзодимиз ушбу йўналишга устувор аҳамият қаратаётгани эътиборга молик.

Жумладан:

- кам таъминланган оилаларни аниқлаш ва уларга манзилли ёрдам қўрсатиш мақсадида “Ижтимоий ҳўмоя ягона реестри” ахборот тизими жорий қилинди;
- ижтимоий ёрдам қўлами **5 баробар** оширилиб, **2 миллиондан ортиқ** оила қамраб олинди;
- ҳозирги кунда ҳар бир эҳтиёжманд оила **бюджет ва 3 та — “Темир дастфари”, “Аёллар дастфари” ва “Ёшлар дастфари”** тизими орқали моддий ёрдам олмақда. Бу мақсадларга бюджетдан ҳар йили ажратиладиган маблағ **18 триллион** сўмдан ошди (2016 йилга нисбатан 8,2 баробар ортиқ).

Ижтимоий таъминотга йўналтирилган маблағларнинг ялли ички махсулотдаги улуши эса 2,5 баробар кўпайди (2016 йилдаги 0,9 фоиздан — 2022 йилда 2,2 фоизга ошди);

- кам таъминланган оилалардаги болаларни парваришлаш учун тўланадиган нафақа қамрови кенгайиб, нафақа тайинлашда инобатга олинмадиган болалар ёши 14 ёшдан 18 ёшгача оширилди, мазкур тўлов мuddати 6 ойдан 12 ойгача ҳамда нафақа миқдори ўртача 1,5 баробар оширилди;
- ишсизлик нафақаларининг энг кам миқдорлари 3,2 баробар оширилди, аҳоли бандлигини таъминлашга қаратилган 20 дан ортиқ янги воситалар жорий этилди.

Лекин Ўзбекистонда оғир вазиятга тушган кўп тоифадаги аҳоли (ногиронлиги бор шахслар, ёлғиз кексалар, буювчисини йўқотганлар, оилда зўравонликка учраган аёллар ва бошқалар) борлигига қарамай, ижтимоий ҳўмоя фақат пул бериш билан чекланиб қолмоқда. Аслида, бу тизимнинг вазифаси аҳолини оғир аҳволдан чиқариш ва жамиятда ўз ўрнини эгаллаши учун қўмак беришдан иборат бўлиши керак.

Бу эса, ўз навбатида, ижтимоий хизматлар қўрсатиш тизимини тўлиқ қайта қўриб чиқиш ва қамбағалликни қисқартириш бўйича ислохотларни янги босқичга олиб чиқишни тақозо этмоқда.

Мазкур мақсадда партия томонидан қўрсатилган номзод дастурида қуйидаги устувор вазифалар белгиланган.

Биринчидан, ҳар бир маҳаллада профессионал ижтимоий ходимлар фаолиятини ва ижтимоий хизматларни манзилли асосда қўрсатиш тизимини йўлга қўйиш. Бунда:

- оғир ҳаётий аҳволга тушган ёки тушиш хавфи юқори бўлган ҳар бир оила бўйича алоҳида “ижтимоий хизмат иши” юритиш тартибини ишлаб чиқиш. Ушбу оилаларда шароитни яхшилаш, уларга даволаш, дориоларни етказиш, фарзандларини боғча ва мактабга жойлаштириш, моддий ёрдам бериш каби ижтимоий хизматлар қўрсатиш манзилли чораларини амалга ошириш белгиланган;

● туманларда ижтимоий хизматларни “ягона дарча” тамойили асосида қўрсатадиган ижтимоий хизматлар марказлари, психолог, ҳуқуқшўнос, ижтимоий ходимдан иборат “мобиль гуруҳлар” фаолиятини йўлга қўйиш;

● болаларни васийликка олиш тизими, васийларни танлаш мезонлари ва мониторинг қилиш тартибини қайта қўриб чиқиш кўзда тутилган.

Иккинчидан, ногиронлиги бўлган шахсларни қўллаб-қувватлаш бўйича янги тизим яратилади. Жумладан:

- ортопедия, реабилитация, тиббиёт ва дори воситаларини ногиронлиги бўлган шахсларнинг ўзи танлайдиган, давлат эса, фақат пулини тўлаб берадиган тизим жорий этилади;
- протез-ортопедия буюмлари билан таъминлаш учун йўналтирилмадиган маблағларни ҳозирги 80 миллиард сўмдан 250 миллиард сўмга кўпайтириш ушбу йўналишда устувор вазифа бўлади;
- ногиронлиқни белгиллаш бўйича ҳозирги тиббий моделдан ижтимоий моделга ўтиш учун зарур чоралар қўрилади. Бунда, ишлаш истагидаги ногиронлиги бўлган шахсларга зарур шароитлар яратилади;
- ногиронлиги бўлган шахсларни меҳнат бозорида талаб юқори бўлган касбларга бепул ўқитиш ҳамда уларни бизнесга жалб қилиб, даромад топишга ўргатган, махсулотини реализация қилишга қўмаклашган тадбиркорларга имтиёз ва афзалликлар бериш йўлга қўйилади;
- ногиронлиги бор оила аъзосига қаровчи эҳтиёжманд инсонларга иш ҳақи тўлаш тизими жорий қилинади.

Учинчидан, Янги Ўзбекистонни — аёллари ҳаётдан рози бўлиб, бахтли-саодатли яшайдиган мамлакатга айлантиришга устувор аҳамият берилади. Бу борада, хусусан:

- хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини, сифатли таълим олишини таъминлаш, иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий фаоллигини ошириш, гендер тенглик масалалари бундан бўён ҳам энг асосий вазифа бўлиб қолади;
- қийин аҳволга тушиб қолган хотин-қизлар учун ҳуқуқий ва психологик ёрдам қўрсатиш хизмати кенгайтирилади;
- зўравонликка учраган аёлларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича “Call-марказлар” ташкил қилинади;
- туғуруқ таътилидаги аёллар учун он-лайн ишлаш тизими жорий этилади.

Тўртинчидан, қадрли отахон ва она-хонларимизнинг соғлигини тиклаш, мазмунли дам олиши учун қўшимча шароитлар яратиш бўйича махсус дастур қабул қилинади. Бунда:

- юртимиздаги уч миллиондан ортиқ нурунийлар ҳар йили бепул тиббий қўриқдан ўтказилиши, шифохона ва сиҳатгоҳларда даволаниши, улар учун юртимиз бўйлаб саёхатлар ташкил этилиши бўйича барча шароитлар яратилиши;
- кексаларга малакали тиббий хизмат қўрсатиш учун оилавий шифокорлик пунктлари ва поликлиникаларни қўшимча уқсуналар билан таъминлаш чоралари қўрилиши;
- “Уч авлод учрашувлари”, “Оталар жасорати — ибрат намунаси”, “Унта ёшга — бир нуруний” ҳаракати каби маънавий-тарбиявий ишлар янада кучайтирилиши белгиланмоқда.

Бешинчидан, мамлакатимизда қамбағалликни қисқартиришга қаратилган сиёсат изчил давом эттирилади. Жумладан:

- 3 миллион ёшнинг меҳнат қобилиятини ишга солиш орқали уларни қамбағаллик қангалдан олиб чиқиш;
- ижтимоий қўллаб-қувватлашга оид дастурлар қамбағал аҳоли билан бирга даромади паст бўлган қатламларни ҳам қамраб оладиган тизим яратиш;
- тадбиркорларга “ижтимоий шериклик” асосида қамбағал тоифа учун бандлик дастурларини амалга оширишда қўшимча имтиёз ва рағбатлар бериш, бунга ҳар йили қамда 1 миллиард АҚШ долларини йўналтириш асосий вазифа бўлади.

Олтинчидан, ҳар бир оила ўз ўй-жойига эга бўлиши учун зарур шароитлар яратилади.

Олдимиздаги етти йилдаги асосий вазифа — 15 миллиард АҚШ доллари йўналтириш ҳисобига, қўшимча 1 миллион хонадонли уй-жойлар қурилишини таъминлаш. Қурилиш-пудрат ташкилотлари ҳамда аҳолига арзон ва узоқ мuddатли кредитлар тақдим этиш тартибини ишлаб чиқишди.

Азиз сайловчилар! Мухтасар айтганда, партиямиздан қўрсатилган номзоднинг сайловолди дастурида белгиланган барча мақсад ва йўналишлар халқимизнинг фаров



КУН МАВЗУСИ

МАГНИТ БЎРОНЛАРИ

ВА УЛЬТРАБИНАФША НУРЛАР

Бошланиши 1-бетда

Уларнинг таъсири нима сабабдан кучайиб бормоқда?



МАЗКУР QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИШ ОРҚАЛИ ВИДЕОЛАВХАГА ЎТИНГ.

Хўш, биз юқорида таъкидлаган иссиқлик тўлқинларининг ортиши, ультрабинафша нурлар индексио магнит буронларининг фаоллашиши қанчалик хавфли? Умуман, бу ҳодисалар нима сабабдан сўнгги йилларда кучайиб бормоқда ва уларнинг юзага келиш омили нималардан иборат? Шу каби саволлар билан **Фанлар академияси Астрономия институти катта илмий ходими, физика-математика фанлари номзооди Чори ШЕРДАНОВ**га юзландик.

— Юқоридаги ҳолатлар бевосита Кўёш билан боғлиқ бўлгани боис, суҳбатимизни айнан ушбу осмон жисмининг табиати ва унинг нурлари билан бошласак ўринли бўлади, назаримизда, — дейди мутахассис. — Кўпчиликка яхши маълум, Кўёш бизга энг яқин юлдуз ҳисобланади. Унинг юзасидаги ҳарорат 6000 даражани ташкил этади. Бундай ҳароратда ҳар қандай металл тош ҳам газга айланади, шу сабабли уни “газ шар” дейиш мумкин.

Ушбу улкан осмон жисми ўзидан тўлқин узунлиқдаги барча нурларни тарқатади. Биз кўзга кўринадиган оптик нурларнигина кўраемиз. Лекин уларга ёндош бўлган ультрабинафша нурлар ҳам Ерғача етиб келади. Яъни Кўёш одатда ўзидан кўринмас нурли тўлқинлар тарқатади ва унинг катта қисми атмосфера қобиғида тўтилиб, қолган қисми Ер сиртига тушади. Бу нурлар призма орқали кузатиладиганда етти хил ранга ажралишини кўриш мумкин. Масалан, ультрабинафша, инфрақизил нурлар дегандек. Уларни инсон кўзи илғамайди, аммо айнан шу кўринмас нурлар организмга кўпроқ таъсир ўтказишади.

Бу фақат зарарли таъсирлардангина иборат эмас. Гап шундаки, аслида,

нурларни доимий равишда маълум миқдорда тарқатиб туради. Биз зарарли деб ҳисоблайдиган бу нурларнинг фойдали томонлари ҳам бор. У иммун тизими меъёрида ишлашини таъминлайди, тананинг эндокрин тизимини яхшилайди. Аммо ультрабинафша нурларнинг тарқалиш меъёрлари, яъни охириги вақтларда қайд этилаётганидек, нурланиш индекси ортиб кетса, инсон саломатлигига хавф солиши мумкин.

Меъёридаги кўрсаткичнинг ортиши кўпроқ қишдан баҳорга ўтиш вақтида — атмосфера нисбатан тоза бўла бошлаган даврга тўғри келади. Бу вақтда кучсиз ультрабинафша нурларининг Кўёшдан Ерғача етиб келиш эҳтимоли нисбатан юқори бўлади. Ушбу ҳодисанинг соғлом инсонларга таъсири деярли кузатилмайдиган. Аммо соғлиғида муаммоси бор одамларда турли нохуш ҳолатлар кечиши билан сезилиши мумкин.

Ультрабинафша нурлар таъсири 0 дан 12 баллгача индексда ишлаб чиқилган. Шундан 4-5 баллгача бўлгани инсонга зарарсиз деб топиладиган. Аммо 8 дан бошлаб 10-12 баллга етиши фавқулодда ҳолат, яъни хавфли, ҳисобланади. Бу зарарли таъсир, айниқса, куннинг маълум вақтида ортишига келсак, ҳодиса Кўёшнинг шу вақтда горизонтдан баландда жойлашиши билан боғлиқ. Кўёш туш пайтида энг юқорига кўтарилган бўлади ва ундан чиқаётган нурлар деярли ютилмасдан Ерғача етиб келиш эҳтимоли бор. Шу сабабли, айрим вақтларда соат 11:00 дан 14:00 гача ультрабинафша нурлар таъсири нисбатан кучли бўлади. Бу вақтда имкон қадар кўчага чиқмаслик, зарурат туғилганда эса бош кийим ва бошқа кўёшдан ҳимоя воситаларидан фойдаланиш киёфия.



Кўёш нурлари инсон танаси учун фойдали. У организмга керакли Д витамини ҳосил бўлишига ёрдам беради. Иммуниет тизимини мустаҳкамлаб, зарарли бактерияларни йўқ қилади. Кўёш инсон танасида “бахт” ва “хурсандчилик” гормонлари ишлаб чиқарилишини таъминлайди. Олимларнинг тадқиқотларига кўра, шимолда истиқомат қиладиган аҳолида депрессияга тушиб қолганда кўпроқ кузатиладиган экан ва бу Кўёш нури етишмаслиги билан боғлиқ.

Ультрабинафша нурлар эса Кўёш нурлари спекторининг атиги 5 фоизини ташкил этади. Ва Кўёш ўзидан ушбу

— **Ультрабинафша нурлар зарарининг ортиши охириги вақтларда кўпайгандек. Бу қандай омиллар билан боғлиқ ва айти ҳолат қанча вақтгача давом этиши мумкин?**

— Юқорида таъкидлаганимдек, аслида, бу жараён доим бўлиб келган. Кўёш ўзидан ультрабинафша нурларни тарқатар экан, қайсида вақтда унинг таъсири кучайиб ёки камайиб туриши табиий ҳол. Фақат олдинлари бунга эътибор берилмаган ёки статистикаси юритилмаган. Лекин ёзнинг жазирама кунларида кўчада кўп юрмаслик, эҳтиёт чорасини кўришимиз лозимлиги ҳақида азалдан ота-боболаримиз оғохлантириб

келади. Гарчи бунинг сабаблари, илмий асослари ҳақида тушунчалар бўлмаган бўлса-да, Кўёш тиккага кўтарилган вақтда саломатликка таъсир кўрсатишини одамлар доим билган.

Бугунги кунга келиб замонавий илм-фан имкониятлари ҳар қандай табиат ҳодисасини батафсил ўрганиш ва доимий равишда статистикасини юритиш ҳамда маълумотларни тезкор бериб боришга шароит яратяпти. Шунинг учун бу ҳақда кўп эшитяпмиз.

Энди бунинг илмий асосларига тўхталадиган бўлсак, ультрабинафша нурлар таъсирининг маълум вақтларда ортиши қисман Кўёш фаоллиги билан боғлиқ. Унинг фаоллиги одатдагидан юқори бўлган вақтда ўзидан жуда катта энергияли зарядланган зарралар сочади. Бу зарралар эса ультрабинафша нурларнинг кучайишига ҳам олиб келиши мумкин.

Статистик маълумотлар кўрсатишича, ультрабинафша нурлар таъсири май ойи охириларидан бошлаб, то сентябрь ойи бошларигача кучли бўлади. Йилнинг бошқа вақтларида эса зарарли нурлар таъсири деярли сезилмайди. Чунки бошқа вақтда булутли кунлар кўп бўлади. Қолаверса, бу вақтда ҳаво қатламиди ортадиган чанг зарралари ультрабинафша нурларни ўтказиб юбормади ёки уларни зарарсизлантира олади. Яна бир сабаби, киш ойларида Кўёш горизонтдан анча паст бўлади. Аммо экологик ҳолатнинг ёмонлашиб бориши бу ҳолатни ўзгартириши мумкин. Агар шундай қўшимча

шича, Кўёшда умуман доғ бўлмаган вақтларда ҳарорат пасайиб, музлик даврлар кузатиладиган. Ҳарорат ўзгариши шу тарзда алмашилиб туради.

Агар ҳаво ҳарорати чиндан Кўёш фаоллиги билан боғлиқ бўлса, бу йил ҳам сайёрамизда анча иссиқ ҳарорат кузатилиши эҳтимоли бор. Чунки ҳозирги вақтда Кўёш фаоллиги ўзининг юқори нуқтасига етган. Бу ҳолат бир неча йил сакланиб туриши мумкин. 25-цикл тахминан 7-8 йилдан кейин минимум ҳолатга тушади ва ҳаво ҳарорати нисбатан пасаяди.

Аммо ҳароратнинг ортиб бораётгани глобал иссиқга ҳам боғлиқ эканини ҳисобга олсак, юқоридаги ҳолатнинг бузилиш эҳтимоли мавжуд. Яъни Ердаги ҳарорат қисман инсон фаоллиги билан боғлиқ. Авваллари бу жуда кам фоизни ташкил этган, аммо борган сари ушбу кўрсаткич кучайиб боради. Масалан, ўрмонлар ўзлаштирилиши, дарахтлар кесилиши, космик аппаратлар учурилиши каби ҳар бир Ердаги ҳароратнинг иссиқ боришига олиб келаяпти.

Олимлар иссиқлик тўлқинларининг сабабларидан бири глобал иссиқ билан боғлиқлигига доир ишончли далиллар эълон қилиб боради. Завод ва автомобиллардан чиқаётган заҳарли тутунлар Ер атмосферасининг маълум бир қатламиди тўлғаниб, иссиқхона эффектини келтириб чиқаради, натижада ҳарорат кўтарилишига олиб келади. Афсуски, Ер юзидаги ҳаво ҳарорати инсон омили ва саноат иссиқхона



таъсирлар бўлмаса, ультрабинафша нурларнинг тарқалиши ҳар йили деярли бир хил кечади, фақат ёз ойларида кўпроқ, қишда эса аксинча бўлишини кузатиш мумкин.

— **Бу йил аномал иссиқ кузатилади, деган тахминлар қанчалик асосли?**

— Буни одатда гидрометеорология мутахассислари прогноз қилади. Аммо ҳуқуқсиз турли омилларга боғлиқ бўлгани боис, ўз йўналишимдан келиб чиқиб, Кўёш фаоллигига боғлиқ жиҳатлар асосида тахминларни айтишим мумкин.

Гап шундаки, ушбу осмон жисми ўзининг табиатиға кўра, 11 йиллик цикли давомиди турли фаолликда бўлади. Ҳодиса Кўёшдаги доғларнинг кўпайиб-камайиб туриши билан параллел тарзда кечади. Доғларнинг кўп кузатиладиган даврини Кўёш фаоллигининг максимуми, доғлар сони кам ёки йўқ бўлган давр эса фаоллигининг минимуми, деб аталади. 2019 йил охирида Кўёш фаоллигининг 24-цикли тугаб, яъни — 25-цикли бошланган ва у тўрт ёки беш йилда максимумга эришади. Демак, ҳозирда фаоллик кўтарилмоқда, бу Кўёшда чақнашлар кўп содир бўлади, дегани.

Кўёш фаоллиги юқори вақтда атмосфера ҳарорати юқори, фаоллик минимум пайтларда эса ҳарорат паст бўлади. Маълумотларда келтирили-

газлари таъсирида ортиб бораётгани ҳамда жиддий оқибатларни юзага келтираётгани шунчаки ваҳимали гаплар эмас. Биргина мисол, бугунги кунда атмосферага чиқарилаётган заҳарли газлар кўрсаткичи саноат инқилобидан олдинги даврга нисбатан 43 фоизга ошган. Бунинг таъсирида Ер ўртача ҳарорати ошишда давом этапти. Агар зарарли газлар тарқалиши тўхтамаса, олимлар сайёрамиз ўртача ҳарорати 4 даражага ошишини тахмин қилмоқда. Бу эса куруқликнинг катта қисмини инсон ҳаёти учун яроқсиз ҳолга келтириб қўйиши мумкин.

Дунё мамлакатлари бунга қарши бирлашаётгани, табиат яшиллиги ва атмосфера софлигини сақлаб қолишга интилаётгани боиси ҳам шунда. Ўзбекистон сўнгги йилларда бу борада фаол давлатлар қаторига қўшилди. Мамлакатимиз “яшил ривожланиш” йўлида аниқ ҳаракатлар қилиб, жаҳон майдонида ўз тақлиф ва ташаббусларини илгари суряпти. Шу йилнинг 2 июнь кунини Қирғиз Республикасининг Чўпонота шаҳрида бўлиб ўтган “Марказий Осиё — Европа Иттифоқи” саммитида ҳам Ўзбекистон томони илгари сурган 7 та тақлиф орасида иккинчи соҳасиди хатарларга қарши курашиш масаласи борлиги ҳам бунинг яққол исботи.

— **Суҳбатимизни “магнит буронлари” мавзуси билан давом эттирсак.**

Охириги вақтларда унинг кучайиши билан боғлиқ хабарлар шу қадар кўп эълон қилиняптики, гўё ҳар кунини магнит бурони таъсирида юргандекмиз. Ҳатто, саломатлигимиздаги кичик ўзгаришларни ҳам ушбу ҳодисага боғлайдиган бўлиб қолдик.

— Бу ҳам Кўёш фаоллигининг ортиши билан боғлиқ. Бу жараён сайёрамиз юзидида бир вақтда кузатилади ва буни кўпчилик ҳис қилади. Магнит бурони ҳодисаси Кўёш чақнашлари тўғрисида келади. Чақнашлар қанча кўп бўлса, магнит бурони шунча кўп кузатилади. Гап шундаки, Ер космик жисмлар, айниқса, Кўёшдан келаётган нурларни (радиация)дан бизни ҳимояловчи магнит майдонига эга. Кўёшда эса вақти-вақти билан масса отилишлари, чақнашлар, зарб тўлқинлари каби ҳодисалар содир бўлиб туради. Бу ҳодисалар Кўёшдан ҳамма ёққа сочилиб кетувчи юқори энергияли элементар зарралар пайдо бўлишига олиб келади. Зарралар ҳаракати йўналишида Ер турган бўлса, улар албатта, магнитосферага тушади. Мабодо зарб тўлқинлари ёки Кўёш шамоли кўринишидаги зарралар оқими магнитосфера билан тўқнашса, Ер магнит майдони ғалаёнлашиб, тебрана бошлайди, яъни нормал ҳолатдан четга чиқади. Бундай жараён “магнит буронлари”, деб аталади. Одатда бу ҳодиса бир неча дақиқадан бир неча кунгача давом этиши мумкин.

Охириги вақтларда кўпчилик кўпчилиги “магнит бурони” атамаси азалдан мавжуд. У илк бор XIX аср бошида



маълумотлар кўрсатишича, магнит буронлари пайтида юрак-қон томир касалликлари бор одамларнинг соғлиги ёмонлашиши натижасида тез ёрдамга одатдагидан 20 фоиз кўп чақирувлар бўлар экан. Афсуски, ҳозирча дунёда магнит буронларини қайтариш имконияти мавжуд эмас. Шу боис, бундай вақтда инсон ўзини ҳимоялаши ва шифокор таъсияларига риоя этиши энг мақбул йўлдир.

— **Магнит буронларининг кузатилиш тизлиги ва давом этиш оралиғи бундан кейин қандай кечади? Бу борадаги прогнозлар нималарни кўрсатмоқда?**

— Магнит буронларининг юзага келиши Кўёш фаоллиги билан боғлиқ экан, яқин 1–2 йилда ушбу ҳодисанинг тез-тез кузатилиши эҳтимоли юқори. Чунки Кўёш фаоллиги максимумга қараб кетмоқда ва бу осмон жисмидаги чақнашлар ошиб боришидан далолат. Фаоллигининг кучайиши қайси вақтда содир бўлишини аниқ айтиб бўлмайди. Аммо магнит буронларини прогноз қилиш мумкин. Бунинг учун Ер яқинидаги космик фазо ва атмосферанинг юқори қатламларида содир бўлувчи табиий ҳодисалар ўрганилади. Жараёнда Кўёш ва космик жисмларнинг сунъий йўлдош телескопи ёрдамида олинган кузатув маълумотларидан фойдаланилади.

Геомагнит прогнозлари одатда қисқа ва узок муддатли даврни ўз ичига олади. Қисқа давр бир сутка ёки бир неча соатни камраб, бунда прогнозлар анча аниқ бўлади. Узок даврга мўлжалланган 27 суткалик прогнозлар эса тахминий маълумотларга асосланади. Сабаби, бу вақт ичида Кўёшда бўлаётган жараёнлар ва Ерға томон келаётган зарралар оқимининг йўналиши ўзгариб кетиши мумкин.

Магнит буронларининг таъсири асосан 2 хил индекс асосида ўлчанади. Улардан бири Кр индекси бўлиб, у 0 дан 9 гача бўлган кўрсаткича эга. Бу кўрсаткич Ер магнит майдонининг уч соат давомидида нормал ҳолатдан четланишини ифода қилади. Четланиш 2 марта ортанда, махсус индекс бир бирликка ортади. Индекс қиймати 3 дан кам бўлган ҳолда Ер магнитосфераси сокин ҳисобланади. Бунда соғлом инсонлар унинг таъсирини сезмайди ҳам. Индекс 3-5 баллга етганда магнитосфера ғалаёнланган дейилади. У мана шу кўрсаткичдан бошлаб инсонлар учун хавфли ҳисобланади ва индекс юқорилагани сари таъсири кучайиб боради. Индекснинг 5 дан юқори кўрсаткичи магнит буронлари бўлиб бераётганини кўрсатади. Сурункали касаллиги бор инсонлар бунини яхшигина сезади. Бордию, махсус индекс 9 баллга чиқса, у ҳолда, магнит бурони, ҳатто, электр тармоқларини ҳам ишдан чиқариши мумкин.

Яна бир жиҳат, кўпчилик инсонлар магнит буронлари кучайишини йил фасллари билан боғлайди. Аммо ундай эмас. Магнит буронлари Кўёш фаоллиги билан боғлиқ ва бу осмон жисми қачон фаоллашса, Ернинг магнит майдони босими ошаверади. Фаоллик минимум даражага тушгани сари, магнит буронлари ҳам камайиб бораверади.

“Янги Ўзбекистон” муҳбири
Ирода ТОШМАТОВА
суҳбатлашди.



УШБУ МАТЕРИАЛНИ ЛОТИН ЎЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБОСИДА УҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.



НУҚТАИ НАЗАР

ОЛИЙ ТАЪЛИМДАГИ ТАДБИРКОРЛИК

Ўқитиш хизмати сифати ва самарадорлигини оширишга ечим бўладими?



Ботир УСМОНОВ,
Тошкент кимё-технология
институты ректори,
техника фанлари доктори,
профессор

Олимлар фикрича, тадбиркорликни фанга ҳам, санъатга ҳам боғлаб бўлмайди. У ўзига хос фаолият, амалиётдир. Ишбилармонликнинг асосини замонавий билим ташкил этади, инновациялар эса тадбиркорлар учун алоҳида воситадир. Бизнингча, тадбиркорликнинг муваффақиятли шакллантирилиши шахсий манфаатни жамият манфаати билан уйғунлаштириш асосида фойда олиш мақсадида инвестиция киритиш билан боғлиқ.

Ўзгариш фактидан келиб чиқиб, тадбиркорлик замирида янги имкониятлар яратиш хусусияти ётади. Бозор ривожланишининг ҳозирги ҳолатидан олдин юрган ишбилармон ўшабу афзалликдан муайян вақт фойдаланиш имкониятига эга. Бизнес иқтисодий ҳодиса сифатида бозор иқтисодиёти қонуниятлари (талаб ва таклиф, рақобат, таннарх ва бошқалар) амал қилиши асосида тадбиркорларнинг бошқа ҳужалик юртубчи субъектлар билан муносабатларидаги тижорат характери акс эттиради.

Таълим тааллуқли бўлган “юмшоқ” технологиялар саноатида инновацион даврийликнинг номоддий омиллари билан боғлиқ босқичлари келажақдаги даромадларга катта ҳисса қўшади. Қўшилган қийматнинг ўшбу қисмидаги асосий элементлар тадқиқот ва ишланмалар, самарали бошқарув жараёнида яратилади. Ўшбу ҳисса инновацион мукофот деб аталади.

Ўқитиш тизими нафақат иқтисодий тизимнинг тури ўзгарган, балки янги ижтимоий шароитларга мослашган, ўтиш даярига бардош берадиган, етарлича ҳаётий тузилмадир. Унда мослашиш жараёни қисқа вақтда ўтди. Турли олий ўқув юртларидаги ўзгаришлар натижасида мавжудларидан фарқ қилувчи янги ташкилий шакл ва тузилмалар яратилди. Барча ўзгаришлар ташаббусқори ҳукумат эмас, балки тараққиёт воситасига айланган таълим муассасаларининг ўзи бўлди.

Бу борада назарий ва амалий жиҳатдан ишлаб чиқилган ёндашув олий таълим муассасаси тадбиркорлик ташкилоти деб аталганда кўринади. Ташқи ва ички муҳитда инновацияларни амалга ошириш жараёнида юзага келадиган илмий, техник, технологик ва ташкилий ўзгаришларнинг умумийлиги тадбиркорлик ташкилотлари очкилиги, мослашувчанлиги ва ҳаракатчанлигини оширади. XXI асрда ОТМларнинг ривожланиш йўли “академик капитализм” шароитида ташкилий ва бошқаруви қайта қуриш билан боғлиқ.

Олий таълим муассасасига нисбатан қўлланадиган “тадбиркорлик ташкилоти” атамаси ташкилот ичидаги алоқалар турини ва уни бошқариш усулини кўрсатади. Бизнес моделларини тўғридан-тўғри ўқитиш тизимига ўтказиш мумкин эмас, аммо бугун олий таълим муассасалари тижорат ташкилотлари билан бир хил вазифага дуч келмоқда. Бу ОТМларнинг қандай қилиб самарали, тежамкор ишлаши, малакали кадрлар етиштириши билан боғлиқ.

ОТМларнинг хизматлари бозоридидаги ҳужалик юртубчи субъект бўлиб, унда рақбарият етакчи роль ўйнайди. Шу маънода, унинг тадбиркорлик ташкилоти сифатида ресурслардан фойдаланишни фаоллаштириш ва қўшимча манбаларни излаш, инфратузилма, филиал ва ваколатхоналар тармоғини ривожлантириш, давлат манфаатларини иқтисодий манфаатлари билан уйғунлаштириш сингари ўзига хос хусусиятлари мавжуд.

Университет ва институтлар ўқитиш соҳасидаги деярли ҳамма муассаса қаби фойда учун ишламайдиган нотижорат ташкилот ҳисобланади. Мамлакатимиздаги ўқув муассасалари “Таълим тўғрисида”ги қонунга мувофиқ, низомида назарда тутилган тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқига эга. Шундай қилиб, давлат таълим муассасаларининг иқтисодий мустақилликка ўтиши, биринчи навбатда, низомида белгиланган вазифаларни бажариш мақсадида молия-ҳужалик фаолиятини мустақил амалга ошириш ҳуқуқи, шунингдек, давлат мулкнинг эксплуатацияга берилишида намоён бўлди.

Бозор муносабатларига ўтиш жамият олдига қўплаб мураккаб вазифаларни қўяди. Жумладан, тадбиркорликни ривожлантириш олий таълим муассасалари фаолиятида ҳам муҳим ўрин эгаллайди. Зотан, ишбилармонлик моҳияти ишлаб чиқариш омилларининг янги комбинациясини аниқлаш ва ундан фойдаланиш, иқтисодиётни тараққий эттиришда катта аҳамиятга эга инновацияларни ҳаётга татбиқ этишдан иборат.

ОТМлар тадбиркорлик фаолиятининг муҳим асоси ҳукумат қарори бўлиб, унга кўра, талабаларни ҳақ тўлаб ишга қабул қилишга рухсат берилди. Ўшбу қўшимча молиялаштириш манбаи ҳар бир ҳудуддаги ривожланиш ҳолати ва йўналишига қараб шаклланадиган пулли таълим хизматлари бозорини ривожлантириш йўлидаги биринчи қадам бўлди. Ижтимоий тизимга йўналтирилганлик олий таълимнинг товар шаклига айланишини кучайтиради ва ОТМларни бозор муносабатлари иштирокчисига айлантиради. Ўқув муассасаси учун янги таълим дастурларини жорий этиш хавфи анча юқори. Чунки прогноз бир неча йилда ўшбу мутахассисларга бўлган талабни инобатга олиши керак. Янги дастур (товар) ларни ишлаб чиқиш ноаниқлик шароитида амалга оширилади, яъни прогнозлаш натижалари бозор талабига мутаносиб бўлмаслиги ҳам мумкин.

Таълимда бозор муносабатлари шаклланиши мутахассислар тайёрлаш таркиби ва мазмунини ўзгариши билан белгиланади. ОТМлар ўқув режаларини шакллантириш ва таълим дастурларини ишлаб чиқишда қисман мустақилликка эришилди. Давлат томонидан тартибга солинадиган бундай имкониятлар таълим муассасаларининг ўқитиш хизматлари бозоридида рақобатбардорлигини таъминлаш учун жуда муҳим. Чунки улар ўқув муассасасининг савдо таклифини шакллантиради.

Пулли таълим хизматларига талаб шаклланишига бозор муносабатларига ўтиш ҳам таъсир кўрсатди. Бунда ўқиш учун пул тўлашга тайёр бой контингент шаклланди. ОТМлар биринчи марта тадбиркорлик фаолияти объекти сифатида мактабга эътибор қаратди. Ўн йиллар давомида

тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, олий таълим муассасаси негизидида консалтинг марказлари тармоғини ташкил этиш — буларнинг барчаси ҳам даромад олиш, ҳам ривожланиш учун қўлай имкониятдир.

Таълим тизимида бозор муносабатлари ривожланиши шароитида тадбиркорлик фаолиятини қўллаш нукталари барча йўналишларда намоён бўлади: сифатли ўқитиш хизматларини кўрсатишдан тортиб, бутун бошли ОТМнинг самарали фаолиятини таъминлашгача. Олийгоҳ тайёрлаган “маҳсулот”, яъни кадрларнинг салоҳиятли миқозлари ва истеъмолчилари тўғрисидаги маълумотларни тўплаш, шартномадаги муайян шартлар бўйича ўқитувчи ва ходимларни танлаш ташкилотнинг тадбиркорлик функциясига тааллуқлидир.

Профессор-ўқитувчилар фаолиятида муайян мустақиллик мавжуд. Таҳлил ва прогноз қилиш қобилияти ишнинг мажбурий қисмидир. ОТМ муҳитида етакчилик фазилатига ва обрў-эътиборга эга жуда кўп одамлар бор. Улар фаолиятига барча турдаги янгиликларни жорий этиш учун масъулиятни зиммасига олади, гоҳини қандай қилиб фойдалаи ҳақиқатга айлантириш ҳақида ўйлайди. Бу ички тадбиркорлик ёки ийрик ташкилотлар доирасида инновациялар амалга ошишини таъминлайдиган инновацион тадбиркорликдир.

Таълим тизимида инновациялар — ишбилармонлик фаолиятининг асоси. Интеллектуал меҳнат учун инновация мавжуд қарама-қаршилиқларни ҳал қилишнинг муқобил шакли бўлиб, инсон фаолиятининг барча жабҳасида тараққиётни белгилайди. Шу маънода, ОТМга аҳолига фақат таълим хизматларини кўрсатуви ижтимоий муассаса сифатида ёндашув эскирди.



мактаб, олий таълим муассасаси ва қайта тайёрлаш тизими бир-биридан мустақил фаолият кўрсатди. Ўзбекистонда таълим хизматлари бозори шаклланиши ўқитиш тизимининг барча босқичларини яхлит тизим сифатида кенг қамровли ислоҳ қилиш заруратини таъқозо этди. ОТМлар узлуқсиз таълим жараёнини мувофиқлаштиришни ўз зиммасига олди. Чунки улар бевосита истеъмолчи учун ишлайди ва кенг миқёсда инновацион таълим дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш учун етарли салоҳиятга эга. ОТМлар тақдим этаётган таълим хизматлари қўшимча даромад манбаидир.

Олийгоҳ ўзи жойлашган ҳудуднинг иқтисодий ривожланиши учун масъуллардан. У бевосита ҳудуд эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда кадрлар тайёрлайди. Таълим ва меҳнат бозори ўртасидаги ўзаро таъсир ҳудудий миқёсда амалга оширилади. ОТМ ҳудуднинг таълим салоҳиятини шакллантиради ва ижтимоий тузилмаларга таъсир кўрсатади. Бандлик ва иқтисодий фаолиятга ҳисса қўшади.

Қўлгина ОТМлар технологик марказлар, бизнес инкубаторлар ва кичик инновацион корхоналарни бирлаштирган. Бу унинг жамиятга доимий равишда янги турдаги товар ва хизматлар, бошқарув усулларини таклиф этиш, ижтимоий муносабатларни шакллантириш ва тажриба ўтказиш имконини беради. Кичик бизнес ва олий таълим муассасасининг тадбиркорлик ташкилоти сифатидаги уйғунлиги динамик барқарорлик ва ривожланишни таъминлайди. Кичик бизнеснинг кўп тармоқли кластерини ўз ичига олган ОТМ профессор-ўқитувчилар ва талабаларнинг фаол қисmini тадбиркорликка жалб этиш орқали жиддий устунликка эга бўлади.

Ҳудуд иқтисодиёти учун кадрлар тайёрлайдиган ОТМ барча ихтисосликдаги талабалар ўқув тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ курсларни ўқув жараёнига жорий этишга эътибор қаратиши керак. Бизнес юритишнинг замонавий усулларини ўқитиш, тадбиркорлик фаолияти учун зарур кадрлар



ЎШБУ МАТЕРИАЛНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБАСИДА ЎҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.



ЁШЛАР ОЙЛИГИ

БУГУННИ ЭРТАГА ТОПИБ БЎЛМАЙДИ



Ҳадиҷахон КАРИМОВА,
Ўзбекистон Журналистлар
ушмаси аъзоси

Башланиши 1-бетда

Сиздай умидбахш ёшларимиз борлигига шукроналар айтимиз. Бойси, сиз туфайли у ёки бу соҳага етук мутахассислар, касб-хунар эгалари келади, юртимизнинг эртаси чиндан-да билимдон, интилувчан мутахассис, қизиққан касб-корини эгаллаган, инновацион фикрлай оладиган ишончли қўлларга ўтади.

Менинг ёш дўстим!

Сиз инсоният оламида алжабрани, тиббиётни, фалакиётни, ислом таълимоти, фикҳни кашф этган — Марказий Осиёда илм-маърифат бобида Биринчи Ренессанс машъалини ёққан Мухаммад Хоразмий, Аҳмад Фарғоний, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Имом Бухорий, Имом Термизий, Бурҳониддин Марғиноний, Иккинчи Ўйғонши даврини бошлаб берган Қозилода Румий, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий, Бобур Мирзо қаби буюк алломалар авлоди эканингиз қалбингизда гурур уйғотиши баробарида улкан масъулият юклашини ҳам ҳис қила оладиган ёшдасиз энди. Юртимизнинг умидли

“СИЗДАЙ УМИДБАХШ ЁШЛАРИМИЗ БОРЛИГИГА ШУКРОНАЛАР АЙТАМИЗ. БОЙСИ, СИЗ ТУФАЙЛИ У ЁКИ БУ СОҲАГА ЕТУК МУТАХАССИСЛАР, КАСБ-ҲУНАР ЭГАЛАРИ КЕЛАДИ, ЮРТИМИЗНИНГ ЭРТАСИ ЧИНДАН-ДА БИЛИМДОН, ИНТИЛУВЧАН МУТАХАССИС, ҚИЗИҚҚАН КАСБ-КОРИНИ ЭГАЛЛАГАН, ИННОВАЦИОН ФИКРЛАЙ ОЛАДИГАН ИШОНЧЛИ ҚЎЛЛАРГА ЎТАДИ.

эртаси чорраҳада турган сиз, ёшларнинг айни ўзингиз озулаган, танлаган муносиб йўлга қадам ташлашингизга боғлиқдир.

Қишлоқларда-да қадимий ва ҳозир ҳам эҳтиёж катта бўлган хунармандлик тури — атлас ва адрас, гилам тўқиш дастдоҳларини олиб қирган, нафақат Фарғона, балки воҳодаги қизикувчилар-

га ҳам касиблик сирларини ўргатиш имкониятини яратиб берган Иброҳимжон Султоновга кимнинг ҳаваси келмайди! Водию воҳада минглаб иш ўринлари яратган Иброҳимжон бугун Олий Мажлис Сенати аъзоси! “Ташаббус” кўрик-танловининг “Энг яхши хунарманд” йўналишида мутлақ ғолиб бўлиб, бош совринни қўлга киритганидан бир неча минглаб хунарманд, туманимиз аҳли ҳам хурсанд бўлгани тайин. Меҳнати, ақлу заковати, интилиши билан оддий бир хунарманд эришиши мумкин бўлган натижа шунчалар бўлар!

Айтмоқчиманки, балоғат остонасидан ўтган ҳар бир инсон эгаллаган касб-кори, мутахассислиги, тутган ҳаётий позицияси билан тараққиётга муносиб ҳисса қўша олсин!

Азиз замондошим! Ўқишингиз ўртамиёна бўлса-да, шу даврда у ёки бу хунарни ўрганган бўлсангиз, ишонаверинг, ҳеч қачон доғда қолмайсиз. Хунар битмас-туганмас ҳазина, унинг қалити меҳнатда ва яна сабрда эканини англаб олганингизга шубҳа йўқ. Сизни касб-хунар йўлига етаклаган устозингиз, ота-онангиз кам бўлмасин. Бу билан ўзингиз, ота-онангиз, демакки, жамиятимиз келажагига қўшимча қилишнинг эртаси чиндан-да билимдон, интилувчан мутахассис, қизиққан касб-корини эгаллаган, инновацион фикрлай оладиган ишончли қўлларга ўтади.

Менинг ёш дўстим!

Сиз инсоният оламида алжабрани, тиббиётни, фалакиётни, ислом таълимоти, фикҳни кашф этган — Марказий Осиёда илм-маърифат бобида Биринчи Ренессанс машъалини ёққан Мухаммад Хоразмий, Аҳмад Фарғоний, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Имом Бухорий, Имом Термизий, Бурҳониддин Марғиноний, Иккинчи Ўйғонши даврини бошлаб берган Қозилода Румий, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий, Бобур Мирзо қаби буюк алломалар авлоди эканингиз қалбингизда гурур уйғотиши баробарида улкан масъулият юклашини ҳам ҳис қила оладиган ёшдасиз энди. Юртимизнинг умидли



йўл қўйманг, зеро, унинг нималарга қодир эканини устозидан кўра, сиз яхши билишингиз шар!

Ҳаёт чорраҳасида турган ёш замондошим!

Ёшлик — бебаҳо, яъни ўткинчи, вақт — беаёв, уни асло тизгинлаб бўлмас. Бир қўшиқда айтилганидек, бугунги эртага топиб бўлмайди. Билим, тарбия, хунар, касб-кор масаласида бугундан олган ҳиссангиз эртанги юксалишингизга зинадир. Ҳали ёшман, ҳаммасига улгураман десангиз, хато қиласиз. Вақт тулпорингиз олға интиляпти, шошмасангиз, етолмай қоласиз. Етолмай қолиш эса бой бериш демакдир. Инсон аталмиш онгли мавжудотни Аллоҳ таоло ёруғ оламга вақтни бой бериш учун эмас, бунёдкорлик, дунёни обод этиш, зағуликлар улашиш учун яратганини асло ёдингиздан чиқарманг.

Катта ҳаёт остонасидаги дўстим! Сизни илм-маърифат, яратиш ва бунёдкорликлар йўли кутмоқда. Фурсат аталмиш буюк неъмат ичра ўз ҳақингизни бой бериб қўйманг. Ўз билим ва салоҳиятингиз, интилиш ва имкониятингиз даражасида келажақ сари қадамингизни дадил-роқ ташланг.

Қани, олға!



ЎШБУ МАТЕРИАЛНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБАСИДА ЎҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.

ИТАЛИЯДА “Бобурнома” АСАРИ ЧОП ЭТИЛДИ

Бошланиши 1-бетда

Бу йил нафақат Ўзбекистонда, балки дунёнинг кўплаб мамлакатларида Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллудининг 540 йиллиги кенг нишонланмоқда.

Соҳибқирон Амир Темурнинг авлоди Бобур Мирзо ҳассос шоир, қомусий олим, атоқли давлат арбоби ва моҳир саркарда сифатида ўзидан такрорланмас ва бой ижодий-илмий мерос қолдирган.

Бобур ижодининг дурдонаси, ҳеч шубҳасиз, XV-XVI асрларда Ўрта Осиё, Афғонистон, Ҳиндистон ва Эронда содир бўлган тарихий воқеалар ҳақида ҳикоя қилувчи “Бобурнома” тарихий-биографик асаридир. Ғоят муҳим ва кўп қиррали маълумотлар асосида моҳирона тартиб берилган ушбу хотира китобини мазмун жиҳатидан бекиёс ҳаётий энциклопедияга қиёслаш мумкин. “Бобурнома” ўзида халқимизнинг азалий қадриятлари, интеллектуал ва маънавий

олами хазиналарини бамисоли кўзгудек акс эттиради.

Ушбу нашр ўзбек ва италян халқлари ўртасидаги адабий ва маданий-гуманитар ҳамкорлик алоқаларининг самарали ва ёрқин намунаси сифатида дунёга келди.

Китоб давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг Сўзбошиси билан очилади.

Маълумки, “Бобурнома” кўп асрлар давомида турли илмий йўналишлардаги Шарқ ва Ғарб тадқиқотчиларининг эътиборини ўзига тортиб келади. Дунёнинг кўплаб тилларида таржима қилинган ушбу нодир китоб эндиликда биринчи бор италян ўқувчиларига ҳам тақдим этилмоқда.

Асарни италян тилида нашр этиш жараёнларида мазкур нашриёт раҳбари Сандро Тети бошчилигидаги малакали таржимонлар, муҳаррирлар ва дизайнерларнинг катта ғуруҳи жалб этилган. Китобни тайёрлашда Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат Ўзбек тили ва адабиёти университети ректори, профессор Шухрат Сирожиiddинов ва италялик таниқли



турколог, профессор Федерико Де Ренци илмий ва адабий муҳаррирлар сифатида иштирок этган.

Атоқли италян олими ва адиби Франко Кардини томонидан “Бобурнома” асарига ёзилган

ган кириш сўзида Бобур “Сўз санъатига меҳр қўйган буюк ҳукмдор ёҳуд салтанатни севган буюк адиб”, деб таърифланади. “Бобурнома”ни ўқишга жазм қилган европалик китобхон ундан бош кўтаролмай қолиши шубҳасиз. Шу аснода инсонларвар папа Пий II — Энеа Сильвио Пикколоминининг “Изоҳлар”и, император Пётр Леопольд Габсбургнинг автобиографик мурожазлари беихтиёр ҳаёлга келади; баъзан ўқувчи ўзини Монтенни, баъзан эса Марко Поло ёки Буюк Фридрих ёҳуд Мелвиллни мутолаа қилаётгандек ҳис этади”, деб таъкидлайди Кардини.

Таржимон Федерико Пасторе китобга ёзган шарҳида “Бобурнома” “ўз даврининг кундалик ҳаётини қайта тиклашга имкон берадиган, ислом тамаддунига хос автобиографик асарнинг илк ростгўй намунаси” эканига алоҳида урғу беради.

Асарнинг италянча таржимаси Уилер М.Такстоннинг инглиз тилидаги таржимасига асосланган бўлиб, у Бобур Мирзо ёдномала-

рининг барча хусусиятларини имкон қадар кўпроқ ва тўлиқлигича сақлаб қолган, “зеро, хотираларнинг яхлитлиги XVI аср Осиё тарихидаги асосий қаҳрамонлардан бирининг ёрқин қиёфасини аниқ акс эттиради”.

Ушбу нашр Бобурийлар даврига оид 96 та бадий миниатюра билан безатилган. Бу суратлар ўша замон учун тарихий, географик, этимологик омилларни тўлиқ ҳисобга олган ҳолда, китоб қаҳрамонларининг характерлари ва ички дунёсини ҳақиқий, реалистик тарзда очиб берадиган рангтавирнинг илғор йўналиши бўлган. Маашхур мўъжаз расмлар ранглар палитраси, нафис безаклари ва теран маъноси билан ажралиб туради.

Кўп нусхада чоп этилган “Бобурнома” китоби Италия ва Европанинг кўплаб китоб марказларига тақдим қилинади.

Куйида италялик атоқли олим ва адиб Франко Кардинининг “Бобурнома” ҳақидаги эссеси жузъий қисқартиришлар билан эълон қилинмоқда.

СЎЗ САНЪАТИГА МЕҲР ҚЎЙГАН БУЮК ҲУКМДОР ЁҲУД САЛТАНАТНИ СЕВГАН БУЮК АДИБ

Биз — “Ғарб ахли”нинг дунёдаги бошқа халқлар маданияти олдидаги қарзимиз, сўзсиз, ниҳоятда катта: биз ўзгаларнинг юртига бостириб кирганимиз, уларнинг мол-мулкни талон-торож қилганимиз, ўзимизга бўйсундирганимиз. Ҳатто бизлар яратган Рим ҳуқуқи, қайта-қайта ўқилгани ва насронийлик таълимоти орқали жорий этилганига қарамасдан, бизнинг истилочилар, қулдорлар каби ҳаракат қилишимизга йўл қўйиб бергани маълум.

Бу борада исбот талаб этмайди-ган бир ҳақиқатни таъкидлаш керак: бизнинг ўзга халқлар молу давлатини тортиб олишдан ҳам, уларни оздлтигидан, ҳаётидан маҳрум қилишдан ҳам кўра шафқатсизроқ кирдикорларимиз бўлган. Яъни биздан бошқача фикрлагани, бошқача яшагани учун ғайри миллат ва элатларни менсимасдан, уларга “паст” тоифа деб қараб келганимиз сир эмас.

Бизнинг зулмимизга қарши туришга уларнинг қурол-яроғи ҳам, баъзан ҳатто хоҳиш-истаклари ҳам йўқ эди. Ўзга халқларнинг илм-фан, санъат, гўзаллик борасидаги қадриятларини биз ҳеч вақт, ҳатто яқин-яқинларгача ҳам назар-писанд қилмаганимиз. Бизни фақатгина уларнинг моддий бойликларини қўлга киритиш қизиқтирар эди.

Биз ҳатто ўз жиноятларимизни тезроқ яшириш ва ўзимизни оқлаш учун “тарихи йўқ халқлар” деган сохта тушунчани ўйлаб топдик. Ҳолбуки, биз ушбу миллатлардан зўрлик билан тортиб олган бойликлар аслида уларнинг ҳақиқий, асл ва ниҳоятда беҳисоб хазиналарининг юзаки, ташки бир қисми эди, холос.

Шунинг учун кейинчалик бу маънавий бойликларнинг қадрига ета бошлаганимизда ҳам биз ушбу масалага мустамакачилик руҳи билан ёки янглиш тасаввуримизга кўра, ўз билимимиз уларнинг илмига нисбатан устун деб ҳисоблайдиган антрополог сифатида ёндашиб иш кўрганмиз.

Мана энди калаванинг учини йўқот-гач, биз надомат ила иқрор бўляпмизки, агар ўзга халқларнинг ҳаёти ва тафаккур тарзини ўз вақтида ўрганганимизда ва англаганимизда эди, биз ўзимизни нафақат жиноий қилмишлар ва суиестеъмолчилик иллатидан ҳимоя қилган, балки барча тўсиқ ва ҳимлар ўз моҳиятини йўқотган бугунги замонда (гарчи бир вақтлар содир этган адолатсиз ишларимиз сабабли кўнглимизда нохуш хотиралар қолган бўлса ҳам) улар билан бирга яшашимизни осонлаштирган бўлардик.

Биз ўтмиш ва келажак ҳақидаги тушунча ва тасаввурларимизни ҳам ўзгартирдик — экзотика ва ориентализмга хос воқеликни бор ҳолича қабул қилдик. Боз устига, тахминан XVIII асрдан бўён босиб келаётган тарихий йўлимиз мобайнида ўзимизни оқлаш учун гўёки бу тамаддунни, бу урф-одатларни, манзараларни, товушларни, ҳатто хидлар ва таъмларни ҳам севиб қолдик. Дунёнинг ўзи каби кўнча бу аъмол бамисоли гўзал қурбонига охир-оқибатда ошиқу беқарор бўлиб қолган фотиҳ қисматини эслатади.

Аммо биз баъзан ўзимизнинг нора-со хилқат эканимизни ҳам ошқора тан олиб қўямиз. Илмий-техник кашфиётлар тарақиёти нафақат савдо соҳасидаги, балки энг аввало, илмий, маданий,

эстетика ва этика борасидаги неча минг йиллик тасаввурларимиз ва муносабатларимизни ўзгартриб юборди.

Фақат мана энди, асрлар бўйи кечиккан ҳолда, ушбу мўъжиза гўёки бизга аввалдан танишдек, ҳозир эса “бошқа халқлар билан” юзма-юз келиб, улар билан олиб бораётган мулоқоти-миз ижобий натижаларни бераётгандек қабул қилмоқдамиз.

Масалан, Буюк мўғуллар ёки аникроғи, Бобурийлар сулоласи давридаги Ҳиндистоннинг виқор ва ҳашама-да қайта назар солар эканмиз, биз бу азиям шаҳарлар, саройлар ва боғларнинг кўрку жамолига қараб, ўз мада-ний тараққиётимизнинг авж нуқтасида яратган Уйғониш даври ютуқларига тенг, баъзи ўринларда эса улардан зиёда бўлган “ўзга Ренессанс”ни кўра-миз. Биз фақат ўзимизга таскин бериш учун бу одамлар бизни ҳам қаҳр-ғазаб, шафқатсизлик, очкўзлик ва хийла-най-ранга ўргатишлари мумкин эди, дея оламиз, холос.

Заҳириддин Муҳаммад айни вақтда Бобур номи билан танилган улугъ шахс-дир (Бобур — мусулмонча улугъвор исм бўлиб, форс тилида бабр, яъни “йўл-барс” маъносини билдириши. Худди Темур исми “темир”ни англатгандай). Унинг ҳаёти ва фаолияти эронийлар-нинг азалий ғаними бўлган Урол-Олтой қабилалари эгаллаган Каспий денгизи, Ҳиндикуш ва Тиёншон тоғлари ўртаси-даги бепоён кенгликларда шакллан-ган Турон маданиятига хос ажойиб ва ёрқин бир мисол бўла олади.

Бобур мансуб бўлган туркий қавм-лар вақти-соати келиб, ўртадаги мингларча тафовутга қарамасдан,

эронийлар билан умумий маданият қура билдилар ва турк-эрон-араб “уч-лиги” доирасида лингвистик ҳаракат қилдилар. Яъни ўз ҳаётлари давомида баъзан Оллоҳ ҳақида ва Оллоҳ билан сўзлашувчи араб тилини, гоҳо муҳаб-бат ва шуқуҳни ифодаловчи форс ти-лини, баъзан эса ҳарбий салоҳият ва жанговар қудратни намён этгувчи турк тилини навбатма-навбат қўлаб келдилар.

Бобур 1483 йил февраль ойида Ан-дихонда, “Ипак йўли” тармоқларидад-бирида жойлашган қадимий шаҳарда дунёга келди. Бу кент ҳозирги Хитой-нинг Шинжон вилоятидаги Қошғар, Қирғизистондаги Ўш ҳамда Фарғона водийсидаги Қўқон оралигида, бугунги Ўзбекистон ҳудудида жойлашган.

Бобур Самарқанднинг афсонавий ҳукмдори Амир Темурнинг эвараси, те-мурийзода Умаршайх Мирзо ва Чин-гизхоннинг олис авлоди бўлмиш ас-ло-зда малика – Қутлугъ Нигорхонимнинг тўнғич ўғлидир.

У эски ўзбек тилида сўзлашган, ле-кин бутун Марказий Осиё учун муш-та-рак ҳисобланган форс тилини ҳам, та-бийийки, Қуръонни қироат билан ўқиш ва тушуниш, шарҳлаш учун араб ти-лини ҳам яхши билган. Бобурга эргаш-ган одамлар, унинг лашкари ҳам этник жиҳатдан ранг-баранг бўлган.

Бобур қисқа умр кўрган: Ҳиндистон шимолидаги кейинчалик мўъжизавий Тоҷмаҳал бунёд этилган Агра шаҳри-да 1530 йили вафот этган. Уша вақтда у 47 ёшда бўлиб, бу XVI аср учун унча кичик ёш саналмайди (қарийб уч юз йилдан кейин вафот этган Наполеон Бобурдан атиги беш ёш катта бўлган,

анчагина маълумотларни, мушладан, унинг дарду ташвишлари, турфа ҳис-сиётлари хусусида бевосита ўзи ярат-ган асарлар орқали хабардор бўламиз.

Кобулда, у ўз таъбири билан айт-ганда, “дунёдаги энг гўзал” боғларни барпо этган (бу муаззам боғлар 2002 йилгача — Американинг Афғонистон-га муваффақиятсиз босқинига қадар сақланиб қолган эди).

Буларнинг барчаси ва бошқа кўлаб ноёб маълумотлар бизга эски ўзбек тилида ёзилган ва кейинчалик кўлаб тилларга, шу жумладан, эндиликда италян тилига ҳам таржима қилинган “Бобурнома” орқали аён бўлади.

Бу шунчаки тарихий қийматга эга бўл-ган кундалик, саёхатнома, хотира, ав-тобиография, солномагина эмас, балки ушбу мухташам асар муаллиф ҳукмдор-нинг ўз замонасида мавжуд бўлган сох-та ва баландпарвоз адабий услубларни инкор этадиган илмий-бадий салоҳия-тини ҳам яққол намён этади.

“Бобурнома”ни ўқишга жазм қилган европалик китобхон ундан бош кўта-ролмай қолиши шубҳасиз. Шу асно-да инсонларвар папа Пий II — Энеа Сильвио Пикколоминининг “Изоҳлар”и, император Пётр Леопольд Габбур-гнинг автобиографик мурожазлари беихтиёр ҳаёлга келади; баъзан ўқу-вчи ўзини Монтенни, баъзан эса Марко Поло ёки Буюк Фридрих ёҳуд Мелвил-лни мутолаа қилаётгандек ҳис этади.

Бобур сўз санъатига меҳр қўйган буюк ҳукмдор ёҳуд салтанатни севган буюк адибдир.

Франко КАРДИНИ,
атоқли италян олими ва адиби

“Қўшиқлар китоби”

Бошланиши 1-бетда

Петрарка — нафақат италян, балки Европа шеърятини янги босқичга олиб чиққан улугъ шоирдир. Айни пайтда, ғарб Уйғониш даврининг гуманизм ғоялари билан йўғрилган маданиятига тамал тошини қўй-ган ижодкорлардан биридир. Шоир асарлари, хусусан, гўзал сонетлари дунё адабиётига катта ижобий таъсир кўрсатган. Ўзбек шеъриятида мазкур жанрнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши ҳам Петрарка ижоди-нинг таъсири билан боғлиқ.

Бугунги кунда Петрарка асарлари она тилимизга қайта-қайта ўғирила-ётгани ҳам ўзбек таржимонларининг италян шеърятига самимий ҳурма-ти ва меҳридан далолат беради.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси томонидан нашрга тайёрланган ва “KolorPak” МЧЖда чоп этилган янги китобдан жаҳоншумул адибнинг “Авлодларга мактуб” асари ва сонетларидадан намуналар ўрин олган. Уларни таниқли ижодкорлар — Маҳкам Маҳмудов ва Салим Ашур ўзбек тилига маҳорат билан таржима қилган. Китобга Ўзбекистон халқ шоири Сирожиiddин Саййид сўзбоши ёзган.

Умид қиламизки, ушбу мухташам китоб узоқ асрлардан бўён давом этиб келаётган ўзбек-италян адабий алоқаларини янада мустаҳкамлашга муҳим ҳисса бўлиб қўшилади.

ЎЗА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.

Нашр индекси — 236. Буюртма Г-646.

41011 нусхада босилди.

Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. Қўғоз бичими А2. Баҳоиси келишилган нархда.

Навбатчи муҳаррир: Улугбек Асроров
Мусахҳих: Малохат Мингбоева
Дизайнер: Зафар Рузиев

Манзилими:
100029, Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй